

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги олий таълим тизими педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Тармоқ маркази
директори _____ Г.Ахунова
“ _____ ” _____ 2015 й.



“ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчилар: проф. Т.С. Маликов, доц. Х.Қурбонов

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	9
1-мавзу. Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат.....	9
2-мавзу. Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти	22
3-мавзу. Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш.....	37
ТАҚДИМОТ	50

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга давлат молияси ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Давлат молияси, унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

- Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида давлат молияси, уни бошқариш тизимидаги ислохотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат молияси тизимидаги ислохотлар, бюджет солиқ тизими ва пул-кредит тизими борасидаги ислохотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Давлат молиясини бошқариш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш бўйича қўникмаларга эга бўлиши зарур;
- молия ва унинг функцияларига оид билимларга эга бўлиши;
- молия тизими унинг бўғинлари бўйича билимларга эга бўлиш;
- замонавий шароитларда давлат молияси тизимидаги ислохотлар ва уларнинг концептуал асослари бўйича билимларга эга бўлиш лозим. .

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўқув модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобллашув шароитида давлат молияси тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг концептуал асослари ёритб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумтларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкласи, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкласи				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Қўчма машғулот	
1.	Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат	12	10	4	4	2	2
2.	Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти	10	10	4	4	2	-
3.	Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш	8	6	2	2	2	2
	Жами:	30	26	10	10	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат (4 соат)

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Давлат молиясининг бўғинлари.
3. Давлат бюджети- давлат молиясинининг асосий бўғини сифатида.

Давлат молиясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Давлат молияси ва унинг бўғинлари. Давлат молиясини бошқаришнинг функционал элементлари ва уларни такомиллаштириш бўйича ислохотлар.

Давлатнинг бюджет тизими ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Бюджет жараёни ва уни янада такомиллаштириш бўйича ислохотлар. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари. Маҳаллий бюджетлар ва уларнинг худудлар итимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти.

Давлат бюджети- давлат молиясинининг асосий бўғини сифатида. Давлат молияси тизимидаги ислохотларнинг босқичлари ва концептуал асослари. Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги шароитида давлат молиясини ислох қилишнинг устувор йўналишлари.

2-мавзу. Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (4 соат)

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар: мақсади ва вазифалари.
2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.
3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва харажатларининг йўналишлари.

Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва харажатларининг йўналишлари. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти.

3-мавзу. Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш (2 соат)

1. Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши
2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари
3. Давлат қарзларини бошқариш усуллари
4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари

Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари. Давлат қарзларини бошқариш усуллари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат (4 соат)

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Давлат молиясининг бўғинлари.
3. Давлат бюджети- давлат молиясинининг асосий бўғини сифатида.

2-мавзу. Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти (4 соат)

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар: мақсади ва вазифалари.
2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.
3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва харажатларининг йўналишлари.

3-мавзу. Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш (2 соат)

5. Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши
6. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари
7. Давлат қарзларини бошқариш усуллари
8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулотлар 6 соат режалаштирилган бўлиб, мутахассисликнинг етакчи вазирлик ва идораларида ташкил этилади. Кўчма машғулотларда етакчи вазирлик, идораларнинг мутахассислари томонидан вазирликда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Давлат молиясини бошқариш” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан кўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: Ўзбекистон, 25 декабр 2007 йил, 263-бет.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Тошкент 2013 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2014 йил 4 декабрдаги №2270- сонли Қарори.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2013 йил 25 декабрдаги №2099- сонли Қарори.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қискартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 – сонли Фармони.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2008 йил 19 ноябрдаги ПФ-4010-сонли Фармони.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги “Обод турмуш йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1920- сонли Қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1717-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

3.2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 14-сон буйруғи (ЎЗР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54- қарори. –Т.: 1999й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 18 январ.

4.3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. -Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

V. Дарслиklar, Ўқув қўлланмалар

5.1. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.;

5.2. Маликов Т. С., Ҳайдаров Н. Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQ TISOD-MOLIYA”, 2008, 566 бет.

5.3. Бабич А. М. Государственные и муниципальные финансы. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2000.- 647 с.

5.4. Вахобов А.В., Срождидинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник Т., «Иқтисод-молия», 2006.- 625 с.

5.5. Селезнев А.З. Государственный долг и внешние активы. –М.: ИНФРА-М, 2010.- 312 с.

5.6. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик.- Т.: «infoCOM.UZ» нашриёти 2010. – 500 б.

5.7. Годин А. М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 568 с.

5.8. Нешиной А.С. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 308 с.

5.9. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: Вузовский учебник, 2006. - 417 с.

5.10. Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. –М.: Экономист, 2006. - 317 с.

5.11. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. - 164 б.

VI. Интернет сайтлари

6.1. www.gov.uz

6.2. www.mf.uz

6.3. www.lex.uz

6.4. www.norma.uz

6.5. www.soliq.uz

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Давлат молиясининг моҳияти ва молиявий сиёсат

Режа

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Давлат молиясининг бўғинлари.
3. Давлат бюджети- давлат молиясинининг асосий бўғини сифатида.

Калит сўзлар: молия, давлат молияси, давлат бюджети, стратегия, тактика, бюджет тақчиллиги, сиёсат, молиявий сиёсат, бюджет сиёсати, фискаль сиёсат, ноинфляцион ишаб чиқариш

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Давлат молияси давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариши учун зарурий пул маблағлари билан таъминлашга йўналтирилган мамлакатнинг молия тизимини муҳим бўғинидир. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра давлат молияси ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида пул фондларини шакллантириш ва мазкур давлатнинг пул фондларидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича харажатларга, жамият аъзоларининг ўсиб бораётган ижтимоий маданий эҳтиёжларини қондиришга, мудофаа ва бошқариш соҳаларини молиявий таъминлаш бўйича эҳтиёжларни қондиришга ишлатиш билан боғлиқ макроиқтисодий муносабатлар тизимидир. Давлат молиясининг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланадики унда катнашувчи субъект сифатида давлатнинг ўзи майдонга чиқади. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти турли туман талқин қилинадиган бўлиб, унинг таркибида алоҳида ўзаро боғлиқ бўғинлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос функцияларни бажаради.

Давлат молияси давлатнинг умумий даромадларини шакллантириш ва давлат харажатлари йўналиши ўз ичига олувчи қиймат тақсимот муносабатларини ўзида акс эттиради.

«Давлат молияси» жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлар йиғиндисида. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молия ва молиявий сиёсатнинг аҳамияти каттадир. Молия сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, молияни ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш давлат ўз функция ва вазифалари амалга оширишда кўрадиган чоралари мажмуига киради.

Давлат молияси молия тизимининг асосий бўғинини ташкил этади. Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлат, унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзолари умумий эҳтиёжларини қондириш, мамлакатни бошқариш учун тақсимлаш ва ишлатиш муносабатларини олади.

Давлатнинг молиявий фаолияти — давлат зиммасидаги функцияларни бажарилиши таъминлаш учун пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш соҳасидаги тадбирлардан иборат. Молиявий фаолият миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни ҳам қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараёндир. Ишлаб чиқариш жараёнида корхона, ташкилот ва фуқароларда муайян пул жамғармалари вужудга келади ва молиявий фаолият натижасида ушбу жамғармаларнинг муайян қисми ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун умумдавлат жамғармаларига жалб этилади.

Давлат молияси- кенгайтирилган ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромадларни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўз ичига олади.

Марказлаштирилган пул фондлари давлатнинг жамиятни сиёсий институти сифатидаги фаолиятининг молиявий асосини ташкил этувчи фондлардир. Ушбу пул фондлари асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилади.

Давлат молиясининг моҳияти ва унинг роли ва мақсадлари давлатларни бажарадиган функциялари, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари характери билан белгиланади.

Давлат молияси орқали миллий даромад ҳудудлар, тармоқлар ва аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида қайта тақсимланади.

2. Давлат молиясининг бўғинлари

Агар мамлакат миқёсидаги ижтимоий иқтисодий жараёнларни бошқариш даражасига асосланган ҳолда давлат молиясини гуруҳланишида давлатларнинг сиёсий тузилиши ва давлат бошқаруви асосий омил ҳисобланади. Чунончи, мамлакатларнинг сиёсий тузилиши ва бошқарув тузилмаси нуқтаи назаридан федератив, конфедератив ва унитар каби турларга ажратишимиз мумкин.

Таникли россиялик молиячи В.Родионовнинг фикрича Федератив мамлакатларда давлат молияси ижтимоий иқтисодий жараёнларни давлат томонидан бошқариш даражаси нуқтаи назаридан 3 асосий бўғинга: Федерал молия, федерация субъектлари молияси ва маҳаллий молияга бўлинишини таъкидлайди¹.

Унитар мамлакатларда яҳлит давлат бошқаруви тизими шакллантирилган бўлиб Давлат молияси ижтимоий иқтисодий жараёнларни давлат бошқарув даражаси нуқтаи назаридан 2 турга яъни марказий молия ва маҳаллий молияга бўлинади. Ўзбекистон республикаси давлат молияси юқорида айтиб ўтилган сифат булғиларига кўра ҳам 2 турга яъни марказий молия ва маҳаллий молияга бўлинади. Марказий молия республика бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, давлат кредити ва марказий ҳукумат ихтиёридаги давлат корхоналари молиясини уз ичига олади. Маҳаллий молиянинг марказий бўғинини маҳаллий

¹ Родионова В. М., Финансы, М: Финансы и статистика, 1995 .237 стр.

бюджетлар ташкил қилади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимият органларининг бошқарув ваколатлари даражасида эҳтиёж сезувчи марказлаштирилган молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ императив пул муносабатлари тизими ҳисобланади.

Давлат молияси молия тизиминининг таркибий элементи ҳисобланади. Давлат молияси марказлаштирилган пул фондларини шакантириш ва ундан фойдаланиш жараёнларини камраб олиб, ушбу пул фондлари асосан давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқар жамғармаларидан ташкил топади.

Давлат бюджети давлат молиясини асосий бўғини ҳисобланади. Чунки давлат бюджети орқали ЯИМнинг тахминан 20-25%и қайта тақсимланади. Давлат бюджет орқали йирик миқдордаги пул ресурсларига эга бўлади. Бундай пул ресурслари орқали давлат ўзининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа вазифаларини амалга оширади. Чунончи, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бюджет асосий рол ўйнайди. Ҳозирги шароитда умумий бюджет харажатларининг тахминан 60%и атрофида ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилмоқда.

Бюджет муносабатлари ёрдамида молиявий усулда қайта тақсимлаш натижасида миллий даромаднинг сезиларли қисми жамланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг молиявий базаси давлат бюджети ҳисобланади.

Бюджет иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида олинадиган пул даромадлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакатда бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ишлаб чиқариш манфаатлари ҳисобга олиниши лозим.

Бюджет воситасида давлат иқтисодиётга фаол таъсир қилиш имкониятларига эга бўлади. Чунки бюджет воситасида иқтисодиётнинг йирик миқдордаги пул ресурслари тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида қайта тақсимланади. Демак, бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиш жараёнида давлатнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги пул даромадлари ва жамғармаларни тартибга солиди, мамлакатларнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий потенциал, инвестицион фаолликни ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш билан боғлиқ ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлади.

Демак, бюджетнинг иқтисодий моҳияти нуқтаи назаридан мустақил иқтисодий категория сифатида кўриб ўтиладиган булса, давлатнинг молиявий асосини қонуний ўрнатилиши нуқтаи назаридан эса бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида кўриб чиқилади.

Ўзининг жамият тараккиётидаги ижтимоий иқтисодий функцияларига асосланган ҳолда бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар давлат молиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари асосан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида марказлаштирилган шаклда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган пул даромадларини бир қисмини ижтимоий эҳтиёжлар

йўналишида фойдаланиш учун қайта тақсимлаш жараёнида шаллантириладиган пул фондидир.

Ҳозирги шароитда мавжуд бюджетдан ташқари фондлар узларининг шаклланиш мақсадлари йўналишида 2 асосий гуруҳга ажратилади:

1. Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар;
2. Махсус мақсадли молиявий фондлар.

Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда муҳим молиявий манба ролини ўйнайди. Бундай сиёсат сифатида кам таъминланган оилаларга нафакалар бериш, қариялар учун пенсия тизимини шаллантириш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, мамлакат миқёсидаги ишсизликни олдини олиш, меҳнат ресурслари ҳудудлар ўртасида миграциясини қушимча ишчи уринларини яратиш ҳисобига барқарорлаштири каби ижтимоий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган.

Иқтисодчи Л.А. Дробозинанинг таъкидлашича «Бюджетдан ташқари фондлар- аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари фойдасига миллий даромадни қайта тақсимлаш усулидир»². Давлат ўзининг ижтимоий функциясини амалга оширишда бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан фаол фойдаланади. Давлат молиясини муҳим бўғини сифатида бюджетдан ташқари фондларни шаклланиши давлатнинг ягона марказий фонди бюджетни шаклланиши билан махсус фондлар шаклида пайдо бўлган.

Ҳозирги замон давлат молия тизимида давлат бюджетининг ролини ўсиб бориши билан биргаликда бюджетдан ташқари фондларни шакллантиришга этиж ўсиб бормоқда. Бундай фондларнинг миқдорларини кўпайиши қатор сабаблар билан белгиланиб улар қуйидагилардир:

1. Давлат ҳокимияти органларининг хўжалик ҳаётига аралашуви учун қушимча молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади ва нобарқарор иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида шакллантирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти шароитида ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланувчи хусусиятлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб қувватлаш мақсадларида махсус «Бизнес фонд» ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари шакллантирилган бўлиб, уларнинг молиявий кумаги воситасида хусусийлаштириш жараёни жадаллаштирилмоқда ва кичик тадбиркорлик фаолиятини молиявий рағбатлантириш мақсадларида имтиёзли молиялаштириш тизимларини шакллантирилмоқда.

2. Давлат бюджетидан автоном равишда фаолият юритувчи мазкур фондлар давлат томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи алоҳида муҳим вазифаларни ечишга қаратилган. Айнан аник мақсадли фойдалагнишдаги бюджетдан ташқари фондларни шаклланиши самарали давлат молиявий назорат тизимларини таъминлайди.

² Л.А. Дробозина «Финансы», М.: ЮНИТИ, 2001.-305 стр.

3. Бюджетдан ташқари фондларнинг актив салдолари шароитида давлат бюджети такчиллигини кредит механизми орқали молиялаштириш манбаларига эга бўлинади.

Давлат молиясининг муҳим бўғинларидан бири давлат кредити муносабатлари бўлиб давлат кредити- корхона, ташкилот, аҳоли ва бошқа давлатларнинг вақтинчалик буш пул маблағларини давлат хазиналарини молиялаштириш учун жалб қилиш билан боғлиқ пул муносабатларидир. Давлат кредитининг давлат молиясини муҳим бўғини сифатида қўрилишига асос давлат кредити муносабатлари воситасида йирик миқдордаги пул маблағлари давлат манфаатлари учун ёки давлат тадбирларини молиялаштириш учун зарурий молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муносабатларлиги ҳисобланади.

3. Давлат бюджети- давлат молиясинининг асосий бўғини сифатида.

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ҳамда салбий тенденциялар шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш каби кенг кўламли ислохотлар шароитида давлат бюджети миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг асосий молиявий инструментларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджети орқали мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулот тақсимланиш жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фонди шакллантирилади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш билан боғлиқ ислохотларнинг ҳозирги шароитида макро ва микро даражадаги молиявий ресурслар оқимларининг барқарор механизмларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Молиявий ресурслар оқимларини мукамаллаштириш иқтисодиётни ривожланишининг ўзаро нисбийлигини ва тенглигини таъминлайди, иқтисодиётнинг турли секторлари ва соҳалари ривожланиши ва самарали ишлашини таъминлайди. Бундай мувозанатни молиявий оқимларни таъминлашда марказий аҳамият касб этувчи марказлаштирилган фонд-давлат бюджети муҳим аҳамият касб этади. Буни Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди, «Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди³.

Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини бевосита давлат бюджети ижроси самарадорлиги кўрсаткичларига боғлайди. Чунки, давлат бюджети давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг бош молиявий инструменти бўлиб ҳисобланиши билан бирга, миллий иқтисодиётдаги давлат сиёсати самарадорлигини ўзида яққол ифодалайди.

Бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тизимининг ажралмас қисми унинг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарурий молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар даҳлсизлигини сақлаш ва фавқулотда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади. Шунингдек, давлат бюджет орқали давлат жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосини яратади.

Демак, бир томондан бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий соҳаларидаги давлат ислохотларини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатидаги бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Фикримизча, давлат бюджети тушунчасида унинг иқтисодий категория сифатидаги ва мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатидаги

³ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қари мовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим ўсшвор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳал қўзи газетаси. 2014 йил.

талқинларини бир - биридан фарқлаш лозимдир. Иқтисодий категория сифатида бюджет объектив характерга эга бўлган пул муносабатлари тизими сифатида қаралади.

Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида, давлат бюджетига қуйидагича аниқлик киритилган, «**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети)** — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси»⁴.

Умуман, ушбу таърифни эски Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда берилган тариф билан солиштирадиган бўлсак, маълум даражада фарқланиш мавжудигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат қуйидаги расмда яққол ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети (Давлат бюджети)- давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Давлат бюджети-давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 14 декабр, 3-модда

5.1 расм. Давлат бюджети тушунчасининг солиштира таҳлили

Юқоридаги, Бюджет Кодексида берилган таърифда, давлат бюджетининг, биринчидан марказлаштирилган пул жамғармаси сифатидаги жиҳати билан бирга унинг давлат вазифа ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун шакллантирилган мақсадли фонд сифатидаги жиҳатлари ёритиб берилган.

Бизнинг фикримизча, янги таҳририда келтирилган давлат бюджети тушунчасида, унинг бошқа мақсадли жамғармалар каби айрим муҳим жиҳатлари эътибордан четда қолдирилган. Хусусан, ҳар қандай фонд ёки мақсадли жамғарма маълум муддатга шакллантирилади. Чунки, унинг даромад манбалари ва харажат сарфи йўналишларини миқдор жиҳатдан чегаралаш учун, унинг шаклланиш мудатларини аниқлаб олиш лозим. Хусусан, бу борадаги бюджетни тузиш жараёнига эътибор қаратиладиган бўлинса, давлат бюджети молия йилига мўлжалланган ҳисобланади.

Қолаверса, давлат бюджетига аниқлик киритилишида унинг ҳуқуқий

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

категория ва иқтисодий категория сифатидаги сифат белгиларига ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Моддий маънода бюджет - тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборат. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш-деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Ҳуқуқий категория сифатида бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Бюджет иқтисодий категория ҳам ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида олинган пул даромадлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакатда бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ишлаб чиқариш манфаатлари ҳисобга олинishi лозим.

Иқтисодий категория сифатида давлат бюджети ЯИМ ва миллий даромадни тақсимланиши жараёнида марказлаштирилган давлат фондини шакллантириш ва улардан давлатнинг жамиятдаги вазифа ва функцияларини молиялаштириш учун ундан фойдаланиш билан боғлиқ императив тавсифдаги пул муносабатлари тизимини ўзида ифодалайди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда давлат молиясининг таркибий қисми сифатида давлат бюджети 4 асосий сифат белгилари билан тавсифланади:

1. Бюджет давлат қўлида миллий даромадни бир қисмини жамлаш ва ижтимоий эҳтиёжлар учун ундан фойдаланиш билан боғлиқ қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида иқтисодий шакли ҳисобланади.

2. Бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг ўзига хос шакли сифатида императив характерга эга булган пул муносабатлари ҳисобланади.

3. Бюджет орқали миллий даромадни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳалари уртасида, иқтисодиёт тармоқлари ичида, ижтимоий фаолият соҳалари ўртасида, мамлакат ҳудудлари ўртасида қайта тақсимлаш амалга оширилади.

4. Бюджетнинг тақсимлаш соҳаси давлат молиясида муҳим рол ўйнайди.

Эътироф этилишича, бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади;

- бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради⁵.

Юқоридаги фикрда давлат бюджетининг яна бир хусусияти ёритиб берилган. Хусусан, унда асосий урғу яхлит давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг молиявий манбаи бўлиши билан бир қаторда ҳар бир ҳудуд кесимида амалга оширилаётган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ислохотларда давлат бюджетининг таркибий элементи ҳисобланувчи маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, давлат бюджетининг давлат томонидан иқтиодиётни тартибга солишнинг асосий инструменти сифатидаги хусусиятлари ёритиб берилган.

Бюджет давлат даромадларининг асосий қисмини ўзида жамлайди ва давлатнинг ижтимоий - иқтисодий, сиёсий вазифаларини амалга ошириш учун зарурий пул маблағлари фондиди ўзида акс эттиради. Ушбу фондда шакллантириладиган молиявий ресурслар давлатнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ёки бошқа тавсифдаги вазифаларини бажаришлари учун сарфланади. Бу жараён унинг харажатлари орқали ифодаланади. Шунинг учун давлат бюджети давлатнинг жамиятдаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларини молиялаштириш учун шакллантириладиган марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади.

Бу борада Б.Тухлиев ва Х.Қурбоновлар қуйидаги фикрларни келтириб ўтадилар, «Жамият тараққиётида хўжалик механизмининг босқичма-босқич такомиллашиб бориши, давлатларни жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий тизимидаги ролининг ортиши уларнинг ихтиёрида ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида яратиладиган қўшилган қийматнинг бир қисми ҳисобига доимий равишда пул ресурсларининг шакллантирилишини объектив зарур қилиб қўяди. Бундай давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларининг асосий шакли бюджет бўлиб, бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси ҳисобланади»⁶.

Бу борада профессорлар Маликов Т.С. ва Хайдаров Н.Х.лар қуйидаги фикрларни айтиб ўтадилар, «Ҳозирги шароитда давлат бюджети ижтимоий (ишлаб чиқариш) муносабатларнинг бир қисмини ифода этиб, давлатнинг ихтиёрига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот – миллий даромаднинг нисбатан каттагина қисмини тўплаш ва уни жамият тараққиётининг турли соҳаларини (иқтисодиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, бошқарув, муҳофаа ва бошқалар) ривожланишига йўналтириш имконини берадиган муҳим тақсимлаш инструменти (воситаси)дир»⁷.

Бизнинг фикримизча юқоридаги фикрлардан ҳам кўриб ўтишимиз мумкинки, давлат бюджети биринчидан давлатнинг жамиятдаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиси сифатида ва асосий иқтисодий агент сифатида иштирок этиши билан яратилган ялп ички маҳсулот ва унинг

⁵ Х.А.Қурбонов, М.Ж. Бауетдинов Давлат молиясини бошқариш. Электрон ўқув-услубий мажмуа.-Тошкент: ТДИУ, 2012 й.

⁶ Б.Тухиев ва бошқалар. Давлат бюджети. –Т.:ТДИУ, 2010 й.- 5 б.

⁷ Маликов Т. С., Хайдаров Н. Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008 й.- 6 б.

таркиби ҳисобланувчи миллий даромадни тақсимланиш жараёнида давлат ихтиёрида шакллантирилган марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади. Ушбу фонд давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тавсифдаги вазифаларини бажариши учун сарфланади. Шунинг уун ҳам ушбу фонд ҳар бир мамлакатда яшовчи аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифодаловчи марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади.

Тошкент молия институти профессори З.Х.Срожиддинова давлат бюджетининг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди, “Моҳият жиҳатидан давлат бюджети – давлат бошқарувининг муҳим воситаси бўлиб, унинг ёрдамида давлат такрор ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир кўрсатади, инсон иродасига бўйсунмайдиган бозор кучларининг салбий таъсирини бартараф этади.

Бюджет-солиқ (Фискал) сиёсати- тўлиқ бандлик ва ЯИМни ноинфляцион ишлаб чиқарилишини таъминлашга йўнатирилган, давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартириш бўйича ҳукумат тадбирлари мажмуасидир.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг ўзи кенг ва комплекс тушунча бўлиб, Иқтисодчи А.Набихўжаевнинг фикрича, макроиқтисодий барқарорлик том маънода, изчил иқтисодий ўсиш суръатлари, мўтадил даражадаги ишсизлик, бақувват тўлов баланси, меъёрдаги инфляция, мўтадил даражадаги бюджет тақчиллиги ёки профицит каби кўрсаткичлар орқали ҳам ифдалаш мумкин.

Ҳозирги шароитда республикамизда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида эришилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланаётганлигига қармасдан, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар мавжудки, ушбу муаммолар ўз навбатида Республикамизда макроиқтисодий барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар бўйича янги вазифаларни белгилаб беради. Бу борада мухтарам Президентимиз Ислом каимов қуйидаги фикрларни айтиб ўтга эдилар, “ Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган”⁸.

Ушбу ислохотларни амалга ошириш, макроиқтисодий сиёсатининг асосий таркибий эменти ҳисобланган бюджет-солиқ сиёсатини ҳам янада чуқурлаштиришни талаб қилади.

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб, бюджет-солиқ сиёсати бандлик даражасини ва шу орқали ЯММ реал ҳажмини оширишга йўналтирилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёсат дастаклари бўлиб:

- давлат харажатларининг ўсиши;
- солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади.

⁸ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: Ҳалқ сўзи газетаси. 2014 йил.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда давлат бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсат иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсадларига қаратилиши зарур.

Бюджет сиёсати - давлат ҳокимияти органлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар ва ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, у:

- бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутди;

- бюджет тизимини бошқаришда ва уларни ўз вазифаларини бажаришлари учун молиявий муносабатлардан фойдаланишлари бўйича молия бюджет соҳасидаги мақсад ва вазифаларни аниқлашни кўзда тутди;

- бюджет тизимида молия бюджет инструментлари ёрдамида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини тартибга солишни ташкил этади.

Агар давлат ўзининг фискал ва ҳаражатлар сиёсатидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир меъёрга ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда у иқтисодиётда барқарорлаштириш сиёсатини олиб боришга интилаётган бўлади. Бунда бақарорлаштириш сиёсатига давлатнинг иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёсат, деб қараш керак эмас, чунки улар турлича мақсадни кўзлаб бир - биридан фарқланадилар.

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган молиявий сиёсат, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига монад ҳолда амалга оширилиб, унинг негизини муҳтарам Президентимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишининг 5 асосий концепцияси ташкил этади. Олиб борилган ислохотларнинг умумий тавсифи ва стратегиясидан келиб чиқиб, бюджет-солиқ, сиёсатининг қуйидаги босқичларини ажратишимиз мумкин:

I босқич – 1991-2000 йиллар. Ушбу босқич том маънода мустақил бюджет тизимини шакллантириш – “ўтиш даври”- деб номланиб, қуйидаги вазифалар кесимида ислохотлар олиб борилди:

– бюджет даромадлари ва ҳаражатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;

– бюджет дефицитни камайтириш;

– кучли ижтимоий сиёсат – Давлат бюджетининг муҳим йўналиши сифатида;

– бюджетларо муносабатларни шакллантириш;

– бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;

– бюджет таснифларини ҳалқаро стандартларга мақбуллаштириш ўз ичига олди.

– миллий солиқ тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

– солиқ тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлантириш тизимини шакллантириш.

2-босқич. 2001- ҳозиргача. Том маънода иқтисодий эркинлаштириш шарт шароитларига мувофиқ давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш- деб номланиб, қуйидаги вазифалар кесимида ислоҳотлар олиб борилди:

- “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунни амалга киритилиши;
- бюджет таснифи ва бюджетдан молиялаштириш тизимини соддалаштириш;
- давлат бюджети харажатларини манзилли ва мақсадли йўналишини таъминлаш;
- бюджет харажатларини таркибий ислоҳ қилиш;
- ҳудудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини барқарорлаштириш;
- давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш;
- давлат бюджетини ижросини Ғазна тизими жорий қилиш ва уни ривожлантириш;
- бюджет муассасаларини молиялаштиришни ислоҳ қилиш;
- жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг масъулиятини ошириш билан уларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;
- солиқ юкини камайтириш;
- солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
- солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- солиқ тизимини соддалаштириш.

Замонавий шароитларда бюджет-солиқ тизимидаги ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- бюджет дефицитини самарали бошқариш
- ғазначилик тизимини босқичма-босқич ривожлантириш;
- бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;
- ўрта мудатли фисал сиёсат амалиётини жорий қилиш;
- натижага йўналтирилган бюджет моделини жорий этиш;
- дотацион режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;

Амалга оширилган иқтисоди ислоҳотлар натижасида:

- 2013 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 82,8% бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийиб 100%и нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 55,8%га етди;
- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3%дан 2013 йилда 53,0%га ўсди;
- 1991-2013 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,2 баробар, яъни 11%дан 24,2%га ўсди;

– 1991 йилда экспорт таркибининг қарийиб 90%ни хом-ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийиб 72%ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди ва бошқалар.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Давлат молиясининг бўғинларини изоҳланг.
3. Молиявий сиёсат ва замонавий шароитларда у қандай устувор йўналишлари эга?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.– Т.: Ўзбекистон, 2014. - 29 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2013 йил 24 декабрдаги 2099-сонли қарори
3. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.

2-мавзу. Бюджетдан ташқари мақсадли фондлар ва уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги аҳамияти

Режа

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар: мақсади ва вазифалари.
2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.
3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва харажатларининг йўналишлари.

Калит сўзлар: давлат мақсадли жамғармалари, Пенсия жамғармаси, ягона ижтимоий тўлов, дотация, яона ер солиғи.

1.Бюджетдан ташқари фондларнинг мақсадлари ва вазифалари.

Давлат мақсадли жамғармалари-Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

Бюджетдан ташқари фондлар давлатнинг жамиятдаги алоҳида ижтимоий-иқтисодий ислохотларини амага ошириш учун мўлжалланган пул фонди бўлиб, уларнинг асосий мақсади ушбу ислохотларни молиявий таъминлаш ҳисобланади.

Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасининг ҳуқуқий асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” 1992 йил 13 январдаги 510-ХП-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга қўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири. 1998 йил 1 майдаги 616- I-сон Қонуни ҳисобланади.

Жамғарманинг асосий вазифаслари қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодий тизимни малакали ишчи ва хизматчилар билан таъминлаш;
- бир тармоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини қайта малакасини ошириш;


- махсус меҳнат биржаларини ташкил этиш;

- ишсизларни моддий таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл Жамғармасининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони ташкил этиб, мамлакатимиз умумий инфраструктурасини модернизациялаш йўналишидаги лойиҳаларни

молиялаштириш мақсадларида ташкил этилган. Ушбу жамғарманинг асосий вазифалари қуйидаги расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, жамғарманинг асосий вазифалари қаторида йўл қурилишини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, ортиқча бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш учун йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган. 2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича ғазначилик ижроси механизмига ўтказилди.



2.1-расм. Республика йўл жамғармаси вазифалари⁹

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб варағи Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида давлат мулки Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 7 сентябрдаги ПФ-471-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида" 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармонларига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ушбу жамғарманинг асосий вазифалари иқтисодий ислохотларни, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, шунингдек Республикада тадбиркорликнинг


⁹ Бауетдинов М.Ж., Курбонов Х.А. Давлат бюджети. ЎУМ. - Т.: ТДИУ, 2012 й.

ривожланишини ва уни қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли ва аниқ сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини самарали бошқаришни ташкил этиш мақсадида ташкил этилган.

2.3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, пенсия жамғармаси давлатнинг ижтимоий соҳадаги ислохотларини амалга ошириш учун ташкил этилган махсус жамарма ҳисобланади. Ушбу фонднинг асосий вазифаси авлатнинг пенсия сиёсатини реализация қилиш ҳисобланади. Шу билан биргаликда ҳозирги шароитда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳам ушбу фонднинг алоҳида ўрни мавжуддир.

Пенсия жамғармаси вазифалари куйидаги расм дан кўришимиз мумкин.



2.2-расм. Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари¹⁰.

Дехқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дехқон ва фермер хўжалиklари давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармони билан ташкил этилган

¹⁰ Бауетдинов М.Ж., Қурбонов Х.А. Давлат бюджети. ЎУМ.- Т.: ТДИУ, 2012 й.

бўлиб ушбу фонд деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сон Фармони билан ташкил этилган. Ушбу фонд давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт Жамғармасининг аҳамияти улқандир. Ушбу Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармони асосида ташкил этилган бўлиб, устувор инвестицион лойиҳаларни самарали молиялаштиришни ташкил этиш мақсадида тузилган. Жамғарманинг асосий афзаллик томони унинг молиявий ресурслари хорижий валютааги активлар ҳисобига шаклантирилиб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаолият миллий валютанинг барқарорлигига салбий таъсир этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони билан ташкил этилган. Жамғарма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида ташкил этилган.

2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида

Ҳозирги шароитда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг айримлари жамлаган бюджетнинг таркибига киритилган. Улардан қуйидаги 7 таси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат Йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат фонди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисобварағи,

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қуйидаги белгиларга кўра таснифланади:

- 1) бошқарув даражасига кўра (умумдавлат, республика, ҳудудий);
- 2) амал қилиши муддатига кўра (доимий, вақтинчалик – ўзига юкланган вазифаларни бажариши билан ўз фаолиятини тўхтатади);
- 3) шакллантириш усулларига кўра (бюджетдан алоҳида, муҳим аҳамиятга эга харажатларни ажратиш, жамғармаларга шахсий даромадлар манбаларини бириктириш);
- 4) функционал мақсадига кўра (ижтимоий, шахсий ва мулк суғуртаси, иқтисодий, кредит, илмий-тадқиқот, инвестицион, экологик, ҳарбий-сиёсий, давлатлараро ва бошқалар).

Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш манбалари: юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари; бюджетдан ажратмалар; тушумлар (лотерея, йўлланмалар учун тўловлар ва бошқалар); жамғарманинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар (молия бозорида иштирок этиш); банк кредитлари; мажбурий бадалларни белгиланган вақтда тўламаганлик учун пеня ва жарима суммалари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари (эхсон, ҳадя).

Маблағларни сарфлаш йўналишлари жамғармаларнинг мақсадлари, иқтисодий шарт-шароитлар, мақсадли дастурларнинг мазмунига боғлиқ (масалан, йўл жамғармасининг маблағлари автйўлларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга, йўл инфратузилмаси объектларини молиялаштиришга йўналтирилади).

Давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари марказий ёки минтақавий (маҳаллий) ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли вазифаларга йўналтириладиган молиявий инструментлар йиғиндисини ифодалайди. Бюджетдан ташқари фондлар – миллий даромаднинг давлат томонидан аҳолининг маълум бир гуруҳлари фойдасига қайта тақсимлаш усуллари билан биридик. Давлат аҳоли даромадларининг бир қисмини ўз чора-тадбирларини молиялаштириш учун жалб қилади. Уларнинг шаклланиши махсус фондлар ва ҳисобрақамлар шаклидаги давлатнинг умумий пул фонди – бюджет вужудга келишидан анча олдин содир бўлган. Давлат фаолиятининг кенгайтилиши билан янги ва янги харажатларга эҳтиёж сеза бошлаган. Уларни қоплаш учун мўлжалланган. Қоюдага кўра, улар вақтинчалик характерга эга бўлиб, ҳозирда бюджет билан биргаликда бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда.

Бюджетдан ташқари фондлар икки хил йўл билан ташкил этилади:

- 1) бюджетдан ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлар учун белгиланган харажатлар ажратиш;
- 2) ўз даромад манбаларига эга бўлган бюджетдан ташқари фондлар шакллантириш.

Бюджетдан ташқари фондлар амал қилиш муддати бўйича доимий фондлар ва уларга юклатилган вазифалар бажариб бўлингандан сўнг фаолиятини тўхтатадиган вақтинчалик фондларга тақсимланади.

Мансублик бўйича бюджетдан ташқари фондлар давлат, давлатлараро ва маҳаллий фондларга ажратилади.

Мақсадлар бўйича қуйидаги фондлар фарқланади: ижтимоий фондлар (ижтимоий суғурталаш Фонди, Пенсия фонди, аҳоли бандлигига кўмаклашиш Фонди, тиббий суғурталаш Фонди, Касаба уюшмаси федерацияси кенгаши), шахсий суғурта ва мол-мулкни суғурталаш, иқтисодий (ИТТКИ), кредит илмий-тадқиқотчилик, инвестицион, экологик фондлар.

Россияда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига бозор элементларини жорий қилиш, амалдаги “бозордан ташқари сектор” билан паралел равишда соғлиқни сақлашнинг нодавлат секторини ривожлантириш воситасида амалга оширила бошлади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мажбурий тиббий суғурталаш имкониятларининг чекланганлиги, тиббиёт ходимларида мотивация йўқлиги, соғлиқни сақлашни молиялаштириш ёмонлашган шароитларда замонавий клиника ва лабораторияларга эҳтиёж туғдиради. Буларнинг барчаси малакалий тиббий ёрдам олиш билан боғлиқ муаммоларнинг кучайишига олиб келади. Шу сабабли аҳолининг кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми харажатларида иштирок этиш механизмларини шакллантириш, давлат кафолатларидан ташқари кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар ва ихтиёрий тиббий суғурталаш тизимини ривожлантириш зарур.

Суғурта тиббиёт кенг маънода бу – жамият соғлиқни сақлаш тизими бўлиб, унинг иқтисодий асосини мустақил нотижорат таркиби сифатида ҳаракат қиладиган, жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий ва молиявий муносабатларга киришадиган, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатида ва ҳажми устидан назоратни амалга оширадиган тиббий суғурталаш нодавлат фондларидан молиялаштириш ташкил қилади.

Е) Махсус ҳукумат фондлари

Махсус ҳукумат фондлари бу – замонавий давлатлар молия тизимининг муҳим бўғинидир. Мохиятига кўра улар махсус мақсадларга белгиланган пул фондларини ифодалайди.

Бу фондлар жамият олдида вужудга келадиган вазиятларни бажаришни молиялаштириш мақсадида ташкил қилинади.

Ҳукумат фондлари бир-биридан амал қилиш муддати, фойдаланиш мақсадлари ва ҳуқуқий асос бўйича фарқ қилади.

Одатда аксарият фондлар фаолияти вақт бўйича чекланган бўлади. Муайян вазифа бажариб бўлингач, ушбу фондга бўлган эҳтиёж йўқолади. Бундай фондлар “вақтинчалик” фондлар деб аталади. Бошқа фондлар эса узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни хал этиш учун ташкил этилади. Улар “доимий” фондлар деб аталади. Вақтинчалик фондлар қаторига, масалан, янги темир йўл қурилишини молиялаштириш учун ташкил этилган махсус ҳукумат фондини

киритиш мумкин. Қурилиш ишлари якунланиши билан фонд ҳам ўз фаолиятини тугатади.

Фойдаланиш мақсадларига қараб, давлат махсус фондлари қуйдаги турларга тақсимланади:

- илмий-тадқиқотчилик фондлари; йўналишида фундаментал тадқиқотлар, давлат илмий марказлари, муҳандислик марказлари қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади;

- иқтисодий фондлар; зарар кўриб ишлаётган давлат корхоналарини қўллаб-қуватлаш, иқтисодиётни инфляцияга қарши тартибга солиш, аэропорт, автострада, электростанцияларга қуриш учун фойдаланилади;

- ижтимоий фондлар; ёш бўйича пенсия ва ишчизлик бўйича нафақалар тўлаш учун фойдаланилади;

- шахсий суғурта ва мол-мулкни суғурталаш фондлари; суғурта полиси – суғурта шартномасини тасдиқлайдиган ҳужжатда кўзда тутилган суғурта ҳолати рўй берганда суғурта тўловлари тўлаш учун фойдаланилади;

- ҳарбий фондлар; ҳукумат ёки давлат раҳбари тасарруфида бўлиб, махсус ҳарбий чора-тадбирлар ва ўта муҳим ҳарбий-тадқиқотчилик ишларини молиялаштириш учун ташкил қилинади;

- инвестицион фондлар; янги компанияларни ташкил қилишни молиялаштириш учун ташкил қилинади ва фойдаланилади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларнинг аксарият қисми улар ёрдамида амалга оширилади.

Махсус фондларнинг аксарият қисми давлат бюджети ёки маҳаллик бюджетлар (маҳаллий махсус фондлар) ҳисобига шаклланади. Уларнинг манбаси тўғрисида-тўғри давлат субсидиялари ёки солиқ тушумларидан ажратмалар ҳисобланади. Айрим фондлар эса (шахсий суғурталаш ва мол-мулкни суғурталаш фондлари) жисмоний ва юридик шахсларнинг кўнгилли бадаллари ҳисобига вужудга келади.

Минтақавий ва маҳаллий бюджетдан ташқари фондларнинг ўрни ва аҳамияти катта ҳисобланади. Ушбу фондларнинг асосий фарқи шундаки, уларга бюджет маблағлари ўтказилмайди. Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланиш назорат қилиш минтақаларнинг вакиллик ҳукуматига юклатилади. Ушбу фондларга инвестицион фондлар (уй-жой-инвестиция), тармоқ фондлари (саноат, уй-жой хўжалиги, ёнғинга қарши хавфсизлик, ИТТКИ қўллаб-қуватлаш фондлари), ижтимоий фондлар (аҳолини, қочоқларни ва кўчиб келганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш), экологик фондлар ва бошқалар киради.

Давлат томонидан ижтимоий таъминотини молиялаштиришнинг афзалликлари шундаки, у жорий бадалларнинг қайта тақсимлаш воситасида амалга оширилади, нодавлат иқтисодиёт фондларини молиялаштириш эса маблағларни тўлиқ жамғариш усули билан амалга оширилади. Давлат ижтимоий таъминотининг ижтимоий афзалликлари барча фонд қатнашчиларига нисбатан ижтимоий бадаллар келиб тушган вақтда пул маблағлари тўловларини амалга ошириш имкониятидан иборат. Молиялаштиришнинг ушбу

тамойилининг иқтисодий афзалликлари шундан иборатки, у ижтимоий тўловларни инфляциянинг барча турларидан ҳимоя қилишнинг самарали шакли ҳисобланади.

Нодавлат ижтимоий таъминотини молиялаштириш афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. Молиявий инвестициялар ва кутилаётган даромадлар мувофиқлиги билан таъминланган ҳолда жорий ҳолатда ва келажакда қатнашчилар ва қўйилма киритувчилар учун тиббий ёрдам кўрсатиш, пенсия ва нафақа тўловлари кафолатининг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

2. Капиталнинг жамғарилиши иқтисодий ўсишга хизмат қилади.

3. Суғурта тўловларини индексациялаш йўли билан суғурта жамғармаларининг инфляциядан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Давлат ижтимоий таъминотининг камчиликлари эса қуйидагилардан ташкил топган: 1. Пенсия ва нафақа тўловлари, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ҳозир ва келажакда ҳам барқарор тўланишини таъминланмайди.

2. Ижтимоий тўловлар молиявий таъминотининг тўпланган маблағлар ҳажмига тўлиқ боғлиқлиги.

Нодавлат ижтимоий таъминотининг камчилиги шундаки, бу усул ўзгарувчан ижтимоий-сиёсий шароитларга тез жавоб қайтариш имконини бермайди, чунки етарли миқдорда маблағлар йиғиш учун узок вақт талаб қилинади.

Амалий фаолиятда молиялаштиришнинг бу тамойиллари ўзаро боғлиқликда қўлланади. Кўриниб турибдики, ушбу усулларнинг ўтмишда ижтимоий тизимнинг қандай ривожлангани ва мамлакатнинг ҳозирги ижтимоий сиёсати қандай эканлигига боғлиқ бўлган турли бирикмалари бўлиши мумкин.

3. Бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг манбалари ва улардан фодаланиш йўллари

Бюджетдан ташқари фондларнинг даромадларига қуйидагилар киритилади:

- ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар;
- маҳсулот реализациясидан мажбурий ажратмалар;
- фуқароларнинг мажбурий суғурта ажратмалари
- товарлар реализацияси ҳажмидан ажратмалар;
- тадбиркорлик фаолияти натижасида олиган ва қайтган даромадлар;
- ҳомийик эвазига жалб қилинган маблағлар;
- давлат активларини сотиш, хусусийлаштириш эвазига жалб қилинган миллий ва хорижий валютадаги маблағларнинг бир қисми ҳисобига шакллантирилган маблағлар;
- давлат бюджети маблғарини маълум қисмини мобилизация қилиш жараёнидаги даромадлар ва бошқалар ҳисобланади.

Ушбу фондлар молиявий ресурсларида қуйидаги йўналишларда фойдаланилади:

- пенсия ва турли ижтимоий нафақаларни тўлаш;
- бандликни таъминлашга доир кредитлар бериш, ишсизлик нафақаларин тўлаш;
- йирик ва стратегик аҳамият касб этувчи марказлаштирилган инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;
- инфратузилма объектларини сақлаш, уларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича харажатларни молиявий таъминлаш ва бошқалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётгин изчил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда давлатнинг марказлаштирилган пул фондларининг аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, кейинги йилларда давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амага оширишда бош ислоҳотчилик ролининг ортиб бориши бир томондан фискал юкнинг изчил камайиб бориши шароитида, иқтисодий ислоҳотлардаги давлат инвестицияларнинг самарадорлигин ортиб бораётганлигида кузатишимиз мумкин. Бунда давлат бюджети билан бирга бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мамлакатдаги ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ролини ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бизга маълумки, ҳар бир бюджетдан ташқари фондлар мақсадли тавсифга эга бўлган фонд ҳисобланиб, уларни шакллантириш алоҳида давлат вазифаларини молиявий таъминлашга йўналтирилади. Буларни жамлама бюджет таркибига киритиладиган фондлар фаолиятида кузатишимиз мумкин.

Пенсия жамғармасининг асосий даромад манбаи қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Пенсия жамғармасининг 2011-2012 йиллар даромадлари таркибининг ўзгариши¹¹ (% ҳисобида)

Даромад тури	2011 й.		2012 й.	
	Млрд. сўм	%	Млрд.сўм.	%
Жами даромад	6144,4		8065,4	
Йил бошига даромад	0,5		280,1	
Даромад	6143,9	100	7785,3	100
Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар	3903,4	63,9	4799,2	61,6
Фуқароларнинг мажбурий суғурта ажратмалари	720,4	11,7	1110,2	14,2
Товарлар реализацияси хажмидан ажратмалар	1122,7	18,2	1401,5	17,9
Бошқа даромадлар	397,4	6,4	474,4	6,0

¹¹ Манба: Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, пенсия жамғармасининг жами даромадлари 2011 йилда 6144,4 млрд сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2012 йилда 8065,4 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Жами даромадлар таркибида ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар 2011 йилда 63,9%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 61,6%ни ташкил этиши режалаштирилган. Кейинги икки йил мобайнидаги даромадлар ўсиш тенденциясида фуқароларнинг мажбурий суғурта ажратмалари устувор аҳамият касб этмоқда.

Пенсия жамғармаси бюджетининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш: юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ йиғилиши ва тушиши бўйича – Давлат солиқ хизмати органлари томонидан; ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш бўйича – Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2011 йилда жами харажатлар таркибида ишламайдиган пенсионерларга бериладиган пенсиялар 95,1%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 89,8%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Бу рақамларда 2011 йилда 5862,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 7246,0 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Пенсия жамғармасининг 2011-2012 йиллар харажатлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобида)

Харажат тури	2011 й.		2012 й.	
	Млрд. сўм.	%	Млрд.сўм.	%
Жами харажат	6144,4	100	8065,4	100
Ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар	5862,7	95,1	7246,0	89,8
Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар	278,9	4,5	290	3,5
Дафн маъросимлари учун нафақалар ва бошқа тўловлар	0,7	0,1	12,8	0,2
Бошқа харажатлар	1,6	0,3	1,8	0,002
Йил охирига қолдиқ			513,9	6,3

Манба: Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Умуман харажатлар таркибидан кўриниб турибдики, пенсия жамғармаси асосан давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш учун шакллантирилган. Шунингдек, ҳозирги кунда иқтисодиётдаги бандлик муаммосини олдини олиш мақсадида пенсия фонди молиявий ресурслари ҳисобига имтиёзли кредитлар бериш тизими ҳам йўлга қўйилган.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳам алоҳида ўринга эгадир. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаси ҳисобланади. У маҳаллий ва республика даражаларида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари уларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақланган ҳолда Давлат бюджети таркибида жамланади ва Жамғарманинг мустақил балансида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан сўнг, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг бюджет параметрлари тўғрисидаги қарорига биноан, Молия вазирлиги Иш билан таъминлаш жамғармасининг келгуси йил учун даромадлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг тасдиқланган асосий параметрларини ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига етказди.

Иш билан таъминлаш жамғармасининг тасдиқланган бюджет кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан қуйидагиларни амалга ошириш орқали бажарилади:

- жамғарма даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари бажарилишини;
- мажбурий ажратмалар, жарималар ва пеняларнинг тўлиқ йиғилиши ва тушишини;
- жамғарма маблағларидан қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ ҳолда мақсадли фойдаланилишини таъминлайдилар.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

□□ корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг иш ҳақи фондидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги мажбурий ажратмалари 2012 йилда – 0,1%, ушбу харажатлар маҳсулот таннархига кўшилади;

□□ тегишли бюджет маблағларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдорларда республика ва маҳаллий бюджет маблағларидан дотациялар;

□□ қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бузилганлиги учун жойлардаги меҳнат органлари томонидан белгиланган тартибда солинадиган молиявий санкциялар ва қўшилган пенялар суммаси;

□□қўшимча ва янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банклари томонидан очилган кредит линияларидан фоизлар;

□□юримдик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юримдик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

□□қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси даромадлари қуйидаги жадвалда акс этирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жамғарманинг даромадлари таркибида иш хақи фондидан мажбурий ажратмалар 2011 йилда 35%ни ташкил этаётган бўлса, 2012 йилда 46,9%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Имтиёзли кредитлар ҳисобига қайтган маблағлар 2011 йилда 49%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 44,8%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу даромадлар маълум даражада Республикадаги бандликни таъминлаш бўйича берилаётган кредитларда бандликка қўмаклашиш давлат фондининг аҳамиятини юқорилигидан далолат беради.

2.3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида Бандликка қўмаклашиш фонди даромадлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобида)

Даромад тури	2011 йил	2012 йил
Иш хақи фондидан мажбурий ажратма	35	46,9
Тижорат фаолиятидан олинган даромадлар	6,3	6,1
Бошқа даромадлар	13,8	5,4
Қайтган маблағ	49	44,8

Манба: Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Ўзбекистон Иш билан таъминлаш жамғармасининг шаклланиши манбаларида асосий улушни корхона ва ташкилотларнинг мажбурий ажратмалари, жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар ва бошқалар ташкил этади.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тасарруф этадилар ва уларнинг маблағлари бюджетдан ташқари мақсадли махсус ҳисоб рақамларида жамланади. Бу маблағларнинг 70% Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ихтиёрида

қолади, кейинчалик туманлар ва шаҳарлар ўртасида тақсимланади, 30% республика даражасида марказлаштирилади.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари республика ва худудий бандлик дастурларига биноан белгиланади. Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига қуйидагилар амалга оширилади:

□ меҳнат органларида ишсизлик мақомини олган ва иш қидирувчи сифатида рўйхатда турган шахсларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини маблағ билан таъминлаш;

□ ишсизлик бўйича нафақалар, меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиш учун компенсациялар тўлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишсизларга моддий ёрдам бериш;

□ ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинланганлиги сабабли бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш;

□ ҳақ тўланадиган жамоат ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш;

□ ногиронлар ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринлари(ишлаб чиқаришлар) ташкил этиш тадбирларини маблағ билан қисман таъминлаш;

□ аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларини таъминлаш, барча даражалардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини жойлаштириш учун бинолар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, уларни моддий-техникавий таъминлаш, компьютерлар, нусха кўчириш ва бошқа зарур техника билан жиҳозлаш;

□ ахборот ва реклама-ноширлик ишларини амалга ошириш;

□ демография, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлаш масалалари бўйича норматив-услубий ва йўриқнома материаллар ишлаб чиқишни маблағ билан таъминлаш;

□ белгиланган тартибда республика даражасида ва худудий даражада ижтимоий кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, иш билан таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида анкета сўровлари ўтказиш Республика ва худудий меҳнат бозори ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, шу жумладан техника воситалари сотиб олиш;

□ иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш, шу жумладан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

□ аҳолини иш билан таъминлашга доир муаммолар бўйича халқаро ҳамкорликни маблағ билан таъминлаш;

□ ишчи кучи экспорт қилиш масалалари бўйича халқаро лойиҳа ва шартномаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг чет элларга ишга юборилган фуқароларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш, уларнинг

ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

□ тижорат банклари томонидан очиладиган кредит линиялари орқали хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан кичик бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорларга таъминлаш ва қайтариш шартларида янги иш ўринлари яратиш учун қисқа муддатли ва ўрта муддатли кредитлар бериш;

бошқа тадбирларни молиялаштириш.

Жамғарма маблағлари яна қуйидагиларга ишлатилиши мумкин:

□ аҳолининг рақобатбардош бўлмаган қатламлари (демобилизация қилинганлар, мактабни битирганлар)га ва ишсизларга иш ўринлари ташкил этиш учун молиявий маблағлар ажратишга, янги иш ўринларида шу шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

□ банкротлик чегарасида бўлган корхоналарга кенг кўламда ишчиларни бўшашини ва ҳокимиятларнинг махсус комиссиялари хулосаларига биноан мавжуд иш ўринларини қисқартиришни олдини олиш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатишга;

□ ўртача 80% даража тайёр тугалланмаган қурилиш объектларида иш ўринларини ташкил этишга;

□ алоҳида тоғ, чўл ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлашга.

Меҳнатга лаёқатли шахслар (16 ёшдан пенсия таъминоти ҳуқуқини олгунга қадар) Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларида иш қидираётганлар сифатида рўйхатдан ўтган ва шу даврда иш ва даромадга эга бўлмаган, меҳнат қилишга тайёр ва зарурат туғилганда касбий тайёргарлик, қайта тайёргарлик ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган тақдирда ишсиз деб ҳисобланади.

Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

1) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш:

- халқаро транспорт коридорлари, республиканинг ички вилоятлараро йўллари тизими таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини (маблағларни сарфлаш бўйича буюртмачи вазифасини Жамғарма ўтайди);

- вилоятлараро ва туманлараро умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини (маблағларни сарфлаш бўйича буюртмачи вазифасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар ҳомиятлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматини ўтайди);

2) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш, жиҳозлашга (технологик ускуна, техника ва машина-механизмларни сотиб олиш), эксплуатацион эҳтиёжларга (маблағларни сарфлаш бўйича буюртмачи вазифасини “Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси ва унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари ўтайди).

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Бюджетдан ташқари фондларнинг мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат?
2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатидаги хусусиятларини айтиб беринг.
3. Бюджетдан ташқари фондлар молиявий ресурсларининг манбалари ва улардан фодаланиш йўллари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
2. Тухлиев Б.К., Курбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б., Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2010, 25-33 б
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ – 2008, 28ж35 б
4. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ – 2007. 32-38 б.

3-мавзу. Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш

Режа

1. Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши
2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари
4. Президнтимиз Ислом Каримовнинг асарларида давлат қарзлари муаммосининг муҳокамаси ва ушбу масала юзасидан белгиланган устувор вазифалар

Калит сўзлар: давлат кредити, давлат қарзлари, облигациялар, суверен қарзлар, купон, дисконт, ташқи қарзлар, эмиссия, сўндириш муддати.

1. Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши.

XX аср жаҳон амалиётида бюджет тақчиллиги муаммосига турлича ёндашиш натижасида бир канча ғоялар ва қарашлар юзага келди. Бу қарашларда бюджет тақчиллигининг асосий тамойилларини, унинг ривожланиш тенденцияларини, уни тартибга солиш усулларини ва молиялаштиришнинг асосий манбаларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. Мазкур қарашларда 3 гуруҳга бўлиш мумкин, жумладан: доимий баланслаштирилган бюджет, доиравий асосда баланслаштирилган бюджет ва функционал молия ғояси асослари.

Доимий баланслаштирилган бюджет ғоясига кўра, бюджет ҳар йили даромадлар ва ҳаражатларнинг тенглиги асосида тўзилиши шарт. Лекин, ҳар йили бюджетни баласлаштириш иқтисодий танглик тебранишларини кучайтиради. Бундай шароитда солиқлар тушумлари ўз ўзидан қисқаради. Бюджетни баланслаштириш мақсадида ҳукумат биринчидан, солиқ ставкасини оширади, иккинчидан, давлат ҳаражатларини қисқартиради ва учинчидан иккаласини уйғунликда амалга оширади. Бу тадбирлар Иқтисодиётдаги ялпи талабни рағбатлантириш эмас, балки уни қисқаришига олиб келиши мумкин. Ҳар йили баланслашладиган бюджет инфляция суръатларини тезлаштиради. Иқтисодий ўсиш даврида пул даромадлари ортади, ўз- ўзидан бу солиқ тушумларининг ҳам ортишига олиб келади. Бюджетдаги ижобий колдикни йўқотиш учун ҳукумат биринчидан, солиқ ставкаларини пасайтириш, иккинчидан, давлат ҳаражатларини ошириш, ёки иккала ёндашувни ҳамкорликда амалга ошириш керак. Бу ёндашувлардан қайси бирининг қўлланилишидан қатъий назар, Иқтисодиётда инфляция жараёни юз беради. Мазкур ғоя тарафдорлари бюджет тақчиллигини иқтисодиёт учун хавfli ҳолат ҳисоблайдилар ва уни молиялаштиришда давлат қарзларидан фойдаланиш мамлакатнинг ликвидлигини йўқолишига ва давлат қарзларини амортизацияси ҳамда фоизлари бўйича ҳаражатлар кўринишидаги давлатнинг қўшимча бюджет ҳаражатларини кўпайишига олиб келади деб фикрлайдилар.

Бюджетни доиравий асосда баланслаштириш ғоясига кўра, давлатнинг молиявий сиёсати имкони борича иқтисодий жараёнлар билан мос равишда амалга оширилиши зарур. Иқтисодий танглик ва тургунлик даврида содир бўлган тақчиллик, иқтисодий ўсиш йилларида юзага келадиган бюджетдаги ижобий колдик билан молиялаштирилади.

Иқтисодий пасайишни олдини олиш учун ҳукумат солиқларни пасайтириш ҳамда давлат харажатларини ошириши зарурлигидан бюджет тақчиллигини ўзи билган ҳолда вужудга келтиради. Бунинг натижасида юзага келадиган инфляцияли иқтисодий ўсиш давомида солиқлар оширилади ва давлат харажатлари камаяди. Шу асосда ҳосил бўладиган ижобий колдик, иқтисодий пасайиш йилларида юзага келадиган тақчилликни қоплашга ўтиради. Бу ғоянинг асосий муаммоси шундан иборатки, иқтисодий ўсиш ва инкирозлар иқтисодий доирада бир хил бўлмаслиги мумкин, шунинг учун Иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммоси бюджетни барқарорлаштириш муаммосига қарши чиқади.

Функционал молия ғояси асосида бюджет эмас, балки Иқтисодиёт баланслаштирилиши керак, деган қоида давлат молиясини асосий вазифаси деб қабул қилинган. Демак бунда иқтисодий барқарорлик ва мувозанатда бюджетдан кўра иқтисоднинг ўзи бирламчи ҳарактерга эга деган мазмун тушунилади. Функционал молия ғояси янги бўлишига қарамасдан, Иқтисодиёт ва бюджет сиёсатида муҳим ўринни эгаллаган. Шу ўринда иқтисодчи олим Р. Линкольм «молиянинг эски қоидаси бўйича бюджет баланслаштирилиши керак эди, янги қоида бўйича эса бюджет Иқтисодиётни баланслаштирилиши керак»¹². Мазкур назарияга кўра, бюджетни ҳар йили ёки доиравий асосда баланслаштириш иккиламчи масаладир. Давлат молиясининг биринчи мақсади-ноинфляцияли тўлиқ бандликни таъминлаш ҳисобланиб, бюджетни эмас балки Иқтисодиётни баланслаштириш ҳисобланади. Хатто бунга эришиш учун, баъзан, давлат қарзларининг ўсиши кўзатилсада, давлат бюджети тақчиллиги муаммолари ўзоқ муддатли инкирозлар ва инфляция олдида иккинчи даражалидир. Шунинг учун, давлат бюджети макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи энг асосий восита сифатида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тўғрисидаги қонунда «Давлат ички қарзлари – давлат томонидан ички маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон республикасининг мажбуриятлари йигиндисидир»¹³ - деб кўрсатиб ўтилган.

Давлат томонидан ички маблағларни жалб қилиш- активларни ички манбаларда нжалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятларини вужудга келиши ҳисобланади.

Шуни таъқидлаш жоизки, давлат қарзлари бизнинг фикримизча олинган кредитлар фақат ўз вақтида туланмаган ҳоллардагина давлат қарзларига айланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай кредитларни биз давлат қарзлари

¹² А.Луссе Макроэкономика.-СПБ.: «Питер»,1999,- с.187.

¹³ «Ўзбекистон республикаси бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни, СБХ , №2 (338), 2001 йил, 8 январ.

сифатида кўришимиз мумкин эмас. Хаддан зиёд кўп кредит олиш олинган кредитлар бўйича фоизли даромадларни тўлаш ва кредит амортизациясини қайтариш имкониятини йўқолишига олиб келади ва натижада давлат қарзлари вужудга келади.

Албатта, давлат қарзлари давлат молияси учун ташвишли бўлиши мумкин. Чунки, ўз вақтида қайтарилмайдиган кредитлар миллий даромадни тақсимланиши натижасида давлат даромадлари ҳисобига қопланади. Бу қўшимча харажатлар бюджет учун молиявий гирлик килмаслиги лозимдир.

Демак умумлаштирилган ҳолда қуйидагиларни келтириб утамиз:

Давлатнинг жамиятдаги ижтимоий иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун зарурий молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади. Бундай молиявий ресурслар миллий даромадни тақсимланиши натижасида шакллантирилади. Шунингдек, давлат харажатларини ўсиши натижасида қарзли молиялаштириш сиёсатидан кенг фойдаланилади.

Давлат қарзлари давлат кредити муносабатлари натижасида вужудга келиб, хаддан зиёд кредит инструментлари воситасида пул маблағларини мобилизация қилиш натижасида вужудга келади.

Давлат томонидан кафолатланмаган қарз- мамлакатдаги бирор давлат ташкилоти томонидан хусусий секторнинг ташқи қарз мажбуриятлари тўловининг кафолатланиши;

Кафолатланмаган хусусий қарз- хусусий секторнинг давлат ташкилоти томонидан кафолатланмаган ташқи қарз мажбуриятлари.

Қарз маблағларнинг нетто оқими билан тўғридан тўғри киритилган хорижий инвестициялар ва расмий субсидиялар жами молиявий оқимларни ташкил қилади.

Мазкур мамлакатлар иқтисодиётининг умумий хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди: қарз қиймати даромад ва экспорт тушумидан ортиқлиги, қарз олишнинг ноқулай шартлари ва ташқи қарзлар хажми ҳамда таркиби ҳақида аниқ маълумотлар йўқдиги. Ташқи қарзнинг самарали бошқаруви бўлганида бундай камчиликлар юзага келмаслиги мумкин эди.

Кўпчилик давлатларда ташқи қарзларни олиш ва унга кафолат бериш бўйича назорат ва маълумотларнинг етишмаслиги ташқи қарзлар хажмининг олишига олиб келади. Бошқа давлатларда ташқи қарзларни озгинадан, яъни қисман қайтариши билан ҳам ташқи қарзларни бошқаришнинг самаралм тизими йўқлиги сабабли қарзлар хажми кўпайди.

Ташқи қарзларни бошқариш стратегиясининг мақсади, ташқи молиялаштиришдан тўлов баланси барқарорлиги ва жиддий макроиқтисодий муаммоларсиз даромад олишдир. Юқорида кўрсатилган вазифаларни ечиш учун ташқи қарзлар билан ишлаш башқармасига ташқи қарзлар бўйича тўлиқ ва ишончли маълумотлар базаси керак бўлади ва мажбуриятлар бўйича ҳар бир операцияни рўйхатдан ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳисобат тизимининг кулами керак бўлади. Ташқи қарзлар бўйича танловлар тўғрисида маълумотлар хорижий валютадаги операцияларни бошқариш мақсадида, шунингдек хорижий ўзаро ҳисоблашувлар стратегиясини режалаштириш учун

зарурдир. Келгусидаги ташқи қарзлар бўйича ҳисобларга баҳо бериш мавжуд қарзлар мажбуриялари бўйича аниқ ва янги кўрсаткичларни талаб қилади. Кучли статистик база бўлмас экан лойҳалаштириш гипотетик башоратлигича қолаверади. Шу сабабли берилаётган ишда статистик маълумотларни тулаконли ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Деярли кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар маълум бир ривожланиш жараёнида иқтисодий ўсишни ривожлантириш ва ички ресурсларни самоялар билан тўлдириш учун хорижий давлатларда қарз олишга мажбур бўладилар. Янги қарзларни олишдан олдин тўлов балансининг жорий ҳисоб варагидаги тақчиллиги билан боғлиқ ташқи қарзлар суммасини аниқлаб олиш керак. Ташқи қарзларни бошқариш учун берилган кредитлар тўғрисида маълумот зарур бўлади. Бундан ташқари олинадиган қарзларни хажмини тартибга солиб туриши ва уни мавжуд бўлган қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш зарур. Бу эса ўз навбатида кредит келишувларининг лойҳаларини шартларини ўзгартириш ва таҳлил қилишни талаб қилади, шунингдек фаолиятни мувофиқлаштириш йўли билан мўзоқаралар олиб бориш орқали янги шарт-шароитларни яратишга эришишни тақозо этади.

Ташқи ёрдамга мухтож бўлган ҳар бир давлат сиёсати ва ривожланишнинг устувор режасини кредиторлар консорциумига тақдим этади. Бу ҳужжатлар ўзаро муддатли лойҳаларни, иқтисодиётнинг вазифаларини ақс эттиради. Бу ҳужжатлар кўриб чиқилганидан кейин ёрдам кўрсатувчи кредиторлар, режалар истиқболини ўрганиб чиқади ва ёрдам кўрсатиш учун керакли тармоқларни белгилаб олади.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг хорижий давлатлардан қарз ола бошлади. Сармоядорларнинг асосийлардан тижорий ҳисобланса айрим ҳолларда мамлакатлар ёки савдо соҳасидаги фаолият юритувчи ташкилотлар тамонидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Собик Иттифоқнинг бир қисми сифатида илгари мустақил равишда ҳалқаро аренага чиқиш имкониятига эга эмас эди. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларга жалб қилинган муассасалар режали иқтисод туфайли фақат иттифоқ миқёсида функция қилади. Ўзбекистонда бундай ишларни бажарувчи на муассаса, на малакали ходимлари бор эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳукумати ҳалқаро муносабатлар учун, ҳамда иқтисодий сиёсатни шакллантириш ва ижро этишда жавобгардир. Ўзбекистон мустақилликка қўлга киритгандан кейин Россия билан Собик Иттифоқ активи меросидан воз кечиш орқали Собик Иттифоқ қарз бўйича Ўзбекистон мажбуриятни Россияга юклаш тўғрисида шартномага имзоладилар.

Ўзбекистон 1992 йилдан бошлаб ҳалқаро молиявий институтлардан кредитлар ола бошлади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, республика кредитлар муддатининг нисбатан киска муддатли ҳарактерга эга. Барча йирик тўловлар охириги уч йил давомида туланиши шарт. Бу факт ташқи қарзларни бошқаришда адекват сиёсат юритишни тақозо этди. Бундан ташқари қарзларнинг ошиши ташқи алоқаларни тартибга солиш заруратини тугдиради. Аммо шунини таъкидлаш жоизки хоирги кунгача олинган ҳалқаро кредитлар ўз

вактида қайтарилиб келинмоқда. Яъни ҳозирги пайтда республиканинг халқаро кредитлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳукуматининг ташқи қарзлар бўйича тўзиладиган шартномалар учун жавобгардир. Шунингдек Молия Вазирлигига шундай қарзларнинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳукуматга ташқи қарзларни бошқаришда техник ёрдам кўрсатади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка ҳукумат томонидан кафолат берилмаган ташқи қарзларни бошқариш мажбурияти юклатилган.

2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари

Қарз олиб молиялаштириш иқтисодий дастлабки ҳолати қандай бўлишига қараб унга турлича таъсир кўрсатади ва қисқа муддатли ҳамда ўзоқ муддатли келажакда турли натижаларни беради. Қарз ҳисобига молиялаштириш пул массасини қисқартиради ва процент ставкаси даражасини кўтарди, шу билан бирга бир қатор салбий омиллари ҳам мавжудки, улар хусусий инвестициялар даражасини пасайишини келтириб чиқаради (сикиб чиқариш омили), ташқи савдо балансини ёмонлаштиради.

Жаҳон иқтисодий амалиётида ички қарзлар бозори кенг тарқалган тушунчадир: молия соҳаси маълум бир дажада тартибга солинган ва молия бозори эндигина ташкил этилган кўринишга эга бўлган ҳар бир мамлакатда давлат қимматбаҳо қоғозлари чиқарилади. Ҳукуматнинг қарз мажбуриятлари портфели мамлакатда энг йирик молиявий портфел бўлиб ҳисобланади. Ички қарзни бошқаришнинг мустақам сиёсати нисбатан кенг ва сиғимли молиявий бозор ривожланишининг катализатори ҳисобланади.

Тажриба куйидаги фикрнинг ҳаққонийлигини таъкидлайди, яъни, қарз маблағларининг ривожланган ички бозорлари мамлакатдаги молиявий муаммоларни ҳал этишда ёрдам берган ҳолда банк орқали молиялаштиришни тўлдириши мумкин.

Давлат қарзларини бошқариш вазифалари доирасида, самарали фаолият юритадиган Давлат қимматбаҳо қоғозлар бозорини (ДҚҚ) ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш вазифаси турибди. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг самарали бозори мавжуд бўлган бир пайтда, ҳукумат бюджет дефицитларини молиялаштириш учун марказий банкка мурожаат қилиш эҳтиёжини камайтириш имконини берадиган ҳаражатларни молиялаштириш механизмига эга бўлади. Бундан ташқари, давлат қимматбаҳо қоғозларининг сиғимли ва ликвидли бозорини ривожлантиришга кўмаклашган ҳолда, бошқарув органлари давлат қарз мажбуриятларининг даромадлилигида доимо иштирок этадиган ликвидлик хатари учун мукофотларни камайтириш эвазига қарзга хизмат қилишнинг қийматини камайтиришга эришишлари мумкин. Давлат қимматбаҳо қоғозлари паст кредит хатари билан характерланадиган ҳолатларда, уларнинг даромадлилиги бошқа молиявий активларни баҳолашда мўлжал бўлиб хизмат

қиладики, бу, ўз навбатида, пул ва облигацияларнинг сиғимли ва ликвидли бозорларининг ривожланишида катализатор бўлиб хизмат қилади.


Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, давлат қимматбаҳо қоғозлари бозорининг самарали ривожланишига қандайдир ягона оптимал ёндашувни ишлаб чиқишнинг имконияти мавжудлиги даргумондир. Бир қатор мамлакатларнинг ҳукуматларида молиялаштиришдаги давлат эҳтиёжларининг пасайиши давлат қарз мажбуриятлари бозорларида ликвидлиликнинг пасайишига олиб келади, деган тушунча мавжуд. Гарчи катта миқдордаги қарзларни муддатидан олдин ўзиш имконияти мавжуд бўлса-да, бир қатор мамлакатларнинг ҳукуматлари ликвидли молиявий бозорларни тўзиш ва қўллаб-қувватлаш учун муайян қарз мажбуриятларини чиқаришда давом этишаётир. Худди шу тарзда, баъзи мамлакатларда аниқланган бюджет дефицитларининг мавжуд эмаслиги белгиланган даромадли ички бозорнинг ривожланишини рағбатлантирувчи давлат қарз мажбуриятлари бозорининг табиий ривожига халақит бермаслиги лозим.

2006 йилдаги давлат ички қарзлари бозоридаги барқарорлик ва давлат облигациялари даромадлигининг кам миқдорда ўзгариши ички облигация қарзларини ўзайтириш имконини берди, шунингдек, бошқа ўрта муддатли инструментлар чиқаришга замин яратмоқда.

Энг аввало, ўзоқ келажакда барқарор инфляциянинг мавжуд бўлмаслигини кўрсатган ҳолда даромадлилик эгри чизиғи бирламчи бозорда камайиш хусусиятини сақлаб қолди.

3.1-диаграмма.

ЯИМ нисбатан давлат қимматбаҳо қоғозлари, %, давр якунига нисбатан



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

2006 йил давомида турли, ҳар томонга йўналтирилган омиллар таъсирида ликвидлик хатари ва фоиз хатарининг нисбатан ортиши содир бўлди. Умуман олганда, ички давлат қарзи бозоридаги амалиётлар унинг иштирокчилари учун жуда ҳам кам хатарлилиги билан ажралиб турди. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг, 2006 йил давомида шаклланган, етарли даражада паст ва янада пасайиш тенденциясига эга бўлган даромадлилик даражаси ўзбек молия бозорининг ушбу сегментида қарз маблағлар қийматини тарихий минимал даражада сақланишига ёрдам берди.

2006 йил давомида давлат қимматбаҳо қоғозлар бозори қуйидаги динамикага эга бўлди. Давлат қимматбаҳо қоғозлари – қисқа муддатли Давлат облигациялари (ҚМДО) ва ўрта муддатли Давлат ғазначилик мажбуриятлари (ЎМДФМ) да расмийлаштирилган ички қарз суммаси 2007 йил 1 январ ҳолатига 2006 йил бошидаги нисбатан 19,7% га ошди. ЯИМга нисбатан ДҚҚ 0,5% дан юқори бўлмади (3.2.5-чизма). Мазкур давр давомида иккиламчи савдо айланмаси сезиларли даражада ошди (68%).

Кўриб чиқиладиган давр мобайнида бозор ҚМДО-ЎМДФМ портфелининг миқдори номиналга кўра деярли ўзгармади, 13 марта чиқарилган ҚМДО ва 20 марта чиқарилган ЎМДФМ қайтарилди.

Ўзбек молия бозорининг ушбу сегментида кредит хатари деярли мавжуд эмас, чунки эмитент – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сўнгги йиллар давомида давлат бюджетининг профицитига эга бўлди. Давлат облигацияларининг даромадлилиги корпоратив воситалар учун фоиз ставкалари ва бозор хатарларининг индикатори ролини бажарди.

Давлат облигациялари, одатда мамлакатнинг мол-мулки, бойлиги билан кафолатланган ва шунинг учун ҳам инвестиция активўларининг энг ишончли тури ҳисобланади. Давлат облигациялари бўйича олинган даромадлар солиққа тортилмайди. Шунинг учун улар бўйича фоиз ставкалари корпорацияларнинг энг биринчи даражали облигациялари бўйича туланадиган фоиз ставкаларига караганда паст. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жами давлат қарзининг катта қисмини айнан турли вақтларда чиқарилган облигациялар ташкил этади.

Совет иқтисодий адабиётларида капиталистик давлат кредитининг мавжудлиги тегишли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ўзининг ҳарбий ва бошқа ноишлаб чиқариш харажатларни қоплаш зарурати билан боғлиқ деб, кўрсатилар эди. Бундай ҳолларга деярли ҳамма вақтларда бир хил салбий баҳо берилар эди. Шунини таъминлаш лозимки, юқорида айтилган харажатлар ҳар қандай давлат бюджетининг мажбурий унсури ҳисобланади.

Давлат қимматли қоғозлари бозорини ташкил қилиш ва унинг ривожланиши ўзининг салбий ҳолатлари билан бирга, деярли ҳамма вақтда иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун кредитдан давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг манбаси сифатида фойдаланиш ва бу билан хўжалиқни молиялаштиришнинг ресурс салоҳиятини кенгайтириш имкониятини берди.

Давлат қимматли қоғозлари билан турли операциялар қилиш, масалан, уларни кредит тизими иштирокида очиқ бозорда сотиб олиш ёки сотиш ёрдамида кўпчилик замонавий капиталистик давлатлар иқтисодиётини пул кредит жиҳатидан тартибга солишга эришилади. Аҳоли ҳамда корхоналар учун давлат мажбуриятларини харид қилиш ўз омонатлар ва жамғармаларини нисбатан ишончли сақлаш шакли ҳисобланади. Бу қандайдир даражада ўзини инфляция жараёнлари таъсиридан чегаралаш имконини беради.

Ўзбекистон давлат облигациялари- бу республика ички қарзлари облигацияларидир. Бундай облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор ҳукумат томонидан қабул қилинади.

1992 йил майда 12%ли ички ютуқли заем бу собиқ СССРнинг парчаланиши муносабати билан содир бўлган кескин инфляция ва совет ҳукумати томонидан қоғоз пул белгиларининг муомалага меъридан ортиқ даражада чиқарилиши туфайли аҳоли учун жуда муваффақиятсиз бўлди.

1996 йил мартдан бошлаб муомалага чиқарилган давлат облигациялари корхона ва ташкилотлар учун давлат қисқа муддатли облигациялари қуринишидаги облигация заёми мамлакат хазинаси ва сармоядор корхоналарга даромадлар келтирган ҳолда жуда муваффақиятли амал қилиб турибди.

Юқори инфляция даражаси ва қайтарилмаган кредиторлар ҳажмининг ўсиши ликвид, қисқа муддатли ва юқори ишончлилиқка эга бўлган муқобил инвестиция объектларини талаб қилар эди. Давлат қисқа муддатли облигациялари, ушбу талабларга тўла жавоб берган ҳолда, барча турдаги солиқ ва йигимлардан озод бўлган даромад келтирар эди.

Давлат қисқа муддатли облигациялар бозори шунинг билан бирга, давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг қулай ва ноинфляцион манбаи сифатида намоён бўлди. Қисқа муддатли облигацияларни жойлаштириш орқали давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни тўла ҳажмда жалб қилди.

ДҚМОни сўндириш Молия вазирлиги номидан ва унинг ҳисобидан номинал қиймат бўйича дилерларга Марказий Банк томонидан амалга оширилади. Дилерлар тўзилган шартномаларга мувофиқ облигацияларнинг эгалари учун уларни сундиради. Сундириш баҳоси ва харид қилиш баҳоси ўртасидаги фарқ облигациялар бўйича олинadиган даромад ҳисобланади. Облигациялар бўйича олинadиган даромадлар солиққа тортилмайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фойлаланиладиган ДҚМО савдолари таҳлилининг усули даромадлилик ва самарали даромадлиликнинг ҳисоб китобини назарда тутди. Сўндиришга нисбатан даромадлилик облигацияларнинг сўндиришигача қолган давридаги даромадлигини белгилаб беради ва оддий фоизнинг йиллик ставкаси ҳисобланади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$i_n = \frac{N-P}{P} * \frac{365}{d}, \text{ бу ерда}$$

N- облигация номинали;

P- харид қилиш баҳоси

d- сундиришгача қолган давр(кун ҳисобида).

Самарали даромадлилик, шунингдек, облигацияларни қолган даврдаги даромадлигини ҳам белгилаб беради, лекин бу ҳолатда йиллик ставка мураккаб фоиз бўйича ҳисоб китоб қилинади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$i_e = \sqrt[365]{1 + i_n * \frac{d}{365}}$$

Ушбу формулаларда ҳам оддий фоиз бўйича йиллик ставкани ҳисоблашдаги аргументлардан фойдаланилади


Сўндириш муддати қанчалик яқин бўлса облигацияларнинг иккиламчи бозорлардаги даромадлиги шунчалик кам бўлади ва аксинча бирламчи жойлаштириш чоғида сотиб олинган облигацияларнинг даромадлиги кўп бўлади.

Дисконтли облигацияларни сўндиришнинг 100%лик кафолати уларни корхона ва ташкилотлар учун фойда олиш нуқтаи назаридан ҳам, ишончилиги нуқтаи назаридан ҳам жуда жозибадор қилади.

Давлат қимматбаҳо қоғозлар бозори таркибида давлат қисқа муддатли облигацияларининг камайиши унинг 2006 йилдаги ўзига хос хусусияти бўлди. Ички давлат қарздорлиги муддатининг ўзайтирилиши муносабати билан бозорнинг мазкур сегменти қатъий тарзда қисқармоқда. Сўм таклифининг ортиши шароитида қисқа муддатли инструментларга бўлган эҳтиёж Марказий банкка тегишли бўлган давлат облигациялари портфели билан операциялар, шунингдек, Марказий банкнинг ўз облигациялари билан операцияларни амалга ошириш ҳисобига таъминланиши мумкин.

3.2-диаграмма.

Инвесторлар ва диллерларга тегишли бўлган ДҚМО ҳажмларининг нисбати, давр якунига, млн. сўмда (2000-2006 йй.)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

2006 йил давомида қисқа муддатли давлат облигациялари бозорида жойлаштириш бўйича бир марта аукцион ўтказилди. Иккиламчи бозорда 219 та савдо ўтказилди. 2007 йилнинг 1 январидан ҳолатига муомалада бўлган ҚМДО суммаси 2006 йилнинг 1 январидан тегишли кўрсаткичга нисбатан 8,2% ни ташкил этди. Давлат қарзининг умумий ҳажмида ўрта муддатли ички қарзларнинг улуши ортиши билан бир пайтнинг ўзида қисқа муддатли ички қарзнинг улуши камайиб бормоқда. 2007 йилнинг 1 январидан ҳолатига мазкур нисбат 96,9% га 3,1% ни ташкил этди. 2006 йилнинг 1 январидан эса бу нисбат 68% ва 32% ни ташкил қилган. ҚМДО бозори амал қилган бутун давр давомида – 1996 йилдан буён турли муомала муддатига эга бўлган 294 марта чиқарилган облигациялар эмитация қилинган эди. Шундан, облигациялар 3 ойлик муомала муддати билан 36 марта, 6 ойлик муомала муддати билан 105 марта, 9 ойлик муомала муддати билан 73 марта ва 12 ойлик муомала муддати билан 80 марта чиқарилди. 2006 йилнинг 1 октябри ҳолатига 2 марта чиқарилган ҚМДОлар муомалада бўлган. Жойлаштирилган облигацияларнинг умумий ҳажмидан деярли 90%и кимовиди савдоларида жойлаштирилди. 2006 йил давомида 13 марта чиқарилган ҚМДОлар қайтарилди.

ЎМДФМда расмийлаштирилган ички қарз суммаси 2007 йилнинг 1 январидан ҳолатига 2006 йилнинг 1 январидан ҳолатига нисбатан 11 %дан ортиққа кўпайди. Молия бозорининг ушбу сегменти динамик тарзда ривожланишда давом этмоқда, ЎМДФМ бозорининг ҳажми ҚМДО бозори ҳажмидан 30 марта ортиқдир. Кўриб чиқиладиган давр давомида 546 кун (18 ой) муомала муддатига эга бўлган ЎМДФМ ларни жойлаштириш бўйича 22 та кимовиди савдоси ўтказилди (3.2.4-жадвал). Бозорда 234 та иккиламчи савдо ўтказилди. Иккиламчи савдоларнинг айланмаси 1,7 мартага ошди.


ЎМДФМ бозори фаолият юритаётган бутун вақт давомида, 2005 йилдан буён 60 марта чиқарилган облигациялар эмитация қилинди. 2007 йилнинг 1 январидан ҳолатига 35 марта чиқарилган ЎМДФМлар муомалада бўлди. 2006 йилнинг 12 ойи давомида 19 марта чиқарилган ЎМДФМ лар беркитилди. Бирламчи ва иккиламчи бозорлар айланмасининг жорий йил 1 январидан ҳолатидаги нисбати 47%га нисбатан 53%ни ташкил қилди. ЎМДФМларни жойлаштиришдан тушган тушум 12 ой давомида 54% га ошди. Шунингдек, дилерлар ҳисобидан жойлаштиришдан тушган тушум 73% ни, инвесторлар ҳисобидан тушган тушум эса 27% ни ташкил қилди.

Давлат облигациялари бозори тобора муҳимроқ макроиктисодий аҳамият касб этмоқда. Шу туфайли мазкур бозорни ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан янада ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим.

3.3. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози АҚШ ипотекали кредитлаш бозоридаги инқироздан бошланган бўлса, инқирознинг иккинчи тўлқини асосан АҚШ ва Европа мамлакатлари давлатнинг молиявий фаолият соҳасидаги инқироз билан бошланди. АҚШ ва


Европа мамлакатлари ҳукуматларининг бир неча йиллар мобайнидаги қарз сиёсати ва кейинги йилларда кузатилган сурункали бюджет тақчиллиги молия тизимидаги таназулнинг авж олишига ва охир-оқибатда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Ушбу муаммоларнинг ҳозирги кунда янада кучайиши XX асрнинг энг буюк ва тарихий бирлашуви ҳисобланган Европа итифоқиға ҳам раҳна солмоқда.



3.1-расм. Европа мамлакатларида бюджет тақчиллигининг ҳолати.

Расмдаги мълумотларидан кўриниб турибикки, бюджет тақчиллиги Ирландия(10,5 фоиз), Франция(5,8 фоиз), Португалия(5,9 фоиз), Греция (9,5 фоиз), Италия(4 фоиз), Испания(6,3фоиз) ва бошқа қатор мамлакатларда асосий молиявий муаммолардан бирига айланиб улгурган. Бу ўз навбатида ташқи қарзларнинг ортиб боришига ва натижада ҳукуматнинг кредит қобилияти тушиб кетишига олиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамызда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръати шароитида давлат бюджетининг тақчиллик билан режалаштирилишига қарамасдан, биргина 2011 йилда ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилаётгани нафақат иқтисодий соҳада, балки давлатнинг молиявий фаолияти соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг натижасидир.



3.2-расм. Европа мамлакатларида давлат қарзларининг ҳолати.

Хусусан, бунда иқтисодиётдаги солиқ юкини изчил камайтириб бориш сиёсати шароитида бюджет харажатларини манзилли ва мақсадлик даражасини ошириш, жон бошига молиялаштириш тизимини жорий этиш, бюджет ижросининг ғазначилик тизимини жорий қилиш каби чора-тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Республикамизда чуқур таркибий ислохотлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ кенг кўламли ислохотлар олиб борилишига қармасдан, давлат ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан ҳажми 17 фоиздан ортмайди. Бу ҳам амалга оширилаётган оқилона қарз сиёсатининг натижасидир.

3.4. Президентимиз Ислон Каримовнинг асарларида давлат қарзлари муаммосининг муҳокамаси ва ушбу масала юзасидан белгиланган устувор вазифалар

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”¹⁴, деб хулоса чиқарган эди. Бундай ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди.

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умуммиллий аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб қолишга мажбур бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бюджет тақчиллигининг кучайиш ҳолати айниқса 2010 йилда Ирландия (32 фоиз), Греция (15,4 фоиз), Буюк Британия (11,1 фоиз) сингари мамлакатларда кескин намоён бўлган бўлса, бу каби ҳолатлар 2011 йил давомида ҳам кузатилди (1.1.3-расм).

Бюджет тақчиллигининг кучайиши муқаррар равишда давлат қарзини келтириб чиқаради. Яъни, бюджет тақчиллиги асосан давлат қарзи ҳисобига қопланиб, у ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. Ички қарз давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, бюджетдан ташқари турли фондлар (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди) олинган қарзлардан иборат бўлса, ташқи қарз хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз ҳисобланади.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг

¹⁴Ўша манба, 6-б.

товар ва хизматлар экспортдан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Давлат кредитининг мазмуни ва турлари ва таснифланишини тушунтиринг.
2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усулларини изоҳланг.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш қандай муаммоларга эга?
4. Президентимиз Ислом Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли асарида давлат қарзлари муаммосининг муҳокамаси ва ушбу масала юзасидан белгиланган устувор вазифалар нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
2. Тухлиев Б.К., Курбонов Х.А., Бауетдинов М.Ж., Бижанова М.Б., Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2010, 8-13 б
3. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма.- Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009.-6-20 б.

1-МАВЗУ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ

Маърузачи: и.ф.н., доц. Х.А. Қурбонов

Тошкент 2015

Режа

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Давлат молиясининг бўғинлари.
3. Давлат бюджети- давлат молиясинининг асосий бўғини сифатида.

1. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

Давлат молияси- ЯИМ ва Миллий даромадни тақсимланиши жараёнида давлат ихтиёрида марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлардир.



Бюджет-солиқ (Фискал) сиёсати- тўлиқ бандлик ва ЯИМни инфляцион ишлаб чиқарилишини таъминлашга йўнатилган, давлат харajatлари ва солиқларни ўзгартириш бўйича ҳукумат тадбирлари мажмуасидир

Дискрецион фискал сиёсатда пасайиш даврида ялпи талабни рағбатлантириш мақсадида давлат харajatларини кўпайтирилиши ёки солиқларни камайтириш орқали бюджет тақчиллиги келиб чиқади.

Нодискрецион фискал сиёсат циклик ўсиш фазасида автоматик равишда бюджетга соф солиқ тушумларини кўпайтиришни кўзда тутади.



ЯИМ ва МДнинг тақсимланиши жараёнида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондлари ҳосил қилинади.

Марказлаштирилган пул фондлари давлатнинг жамиятни сиёсий институти сифатидаги фаолиятининг молиявий асосини ташкил этувчи фондлардир. Ушбу пул фондлари асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилади.

2. Давлат молиясининг бўғинлари



3. Давлат бюджети- давлат молиясининг асосий бўғини сифатида.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 2013 йил 26 декабр, 3-модда

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети (Давлат бюджети)- давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Давлат бюджети- давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 14 декабр, 3-модда

Япи ички (миллий) маҳсулотни Давлат бюджети орқали тақсимлаш, бир вақтнинг ўзида, ўзаро боғланган ва маълум даражада нисбатан мустақил ҳам бўлган уч босқичга эгадир

Умумдавлат пул фондини шакллантириш (бюджет даромадлари)

Худудий ва маълум мақсадларга мўлжалланган кўп сонли бюджет фондларини яратиш

Бюджет фондидан фойдаланиш (бюджет харажатлари)

ДА
В
Л
А
Т

Б
Ю
Д
Ж
Е
Т
И

Молия тизимининг етакчи бўғини сифатида асосий марказлаштирилган пул фонди ҳисобланади ва бошқа фондлардан фарқли равишда давлат бюджети орқали ЯИМнинг сезиларли қисми қайта тақсимланади

Пул (молиявий) муносабатларнинг алоҳида тизимини сифатида императив тавсифдаги молиявий муносабатларни ўзида ифодалайди

Давлатнинг молия йилига мўлжалланган асосий молиявий режаси

ЯИМ ва миллий даромадни соҳалар, тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш воситаси

Давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни молиявий таъминлашнинг асосий манбаи

Миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш кенг арсеналини ўзида мужассамлаштиради

Давлат бюджети функциялари

3.Срождиддинова:

1. Таксимлаш функцияси - солиқ, заём, давлат мулкидан тушган даромадлар, қоғоз пуллар эмиссиясидан тушган даромадларни ўз ичига олувчи бюджет даромадлари амалга оширилади;
2. Қайта таксимлаш функцияси - бюджетнинг аниқ мақсадли харажатларига тегишлидир;
3. Назорат функцияси - бюджет маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ва уларнинг мақсадли ишлатилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини назарда tutadi.

Давлат бюджети функциялари

А.В. Ваҳабов, Т.С.Маликов :

- 1.Тақсимлаш- тақсимлашнинг биринчи bosқичида бюджет маблағлари (бюджетга тўловлар) миллий даромадда давлатнинг улуши сифатида майдонга чиқса, унинг иккинчи bosқичида эса ана шу улуш қисмларга бўлинади ва кўп сонли каналлар орқали турли тадбирларни молиялаштиришга ва фондларни шакллантиришга йўналтирилади;
- 2.Назорат - (1) Давлат бюджетининг даромадларини ошириш учун пул маблағларини мобилизация (жалб) қилиш; (2) маблағларни сарф этишда уларнинг қонунийлигини таъминлаш; (3) молиявий (бюджет) механизм (и) орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш





Ўзбекистонда унитар мамлакатлар бюджет тузилмаси ёки марказлаштирилган модель амал қилади. Бунда барча бюджетлар ягона давлат бюджетида марказлаштирилиши билан тавсифланади, бунда ҳар бир юқори бюджетга бошқарувчилик роли бириктирилган бўлади.

Федератив, децентрализация модели бюджет тизими марказий ва маҳаллий бюджетларининг эркинлиги билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (АҚШ).

Федерация таркибий қисмлари кенг кўламли давлат автономиясига эга бўлган ягона давлатни намоён этади.





Эски "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ

1. Бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
2. Бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
3. Турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
4. Давлат бюджети баланслиги;
5. Давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;
6. Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратилмаган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;
7. Барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Янги "Бюджет Кодекси"га мувофиқ

1. Бюджет тизимининг ягоналиги;
2. БТнинг ЎзР маъмурий ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;
3. БТ бюджетларининг баланслиги ва ўзаро боғлиқлиги;
4. БТ бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш;
5. БТ бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлили хусусияти;
6. БТ бюджетларининг мустақиллиги;
7. БТ бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги;
8. Қасанин ягоналиги;
9. Бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги
10. Очқилик

ЖАМЛАНМА БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2013 йил	2014 йил
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	25104,9	30160,8
Мақсадли жамғармалар даромадлари	13571,9	16720,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	227,5	272,1
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	2618,5	2335,9

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йил жамига нисбатан %да	2014 йил	2014 йил жамига нисбатан %да
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	100	30160,8	100
Шу жумладан:					
Бевосита солиқлар	5196,4	6853,1	27,3	7790,4	25,8
Билвосита солиқлар	11187,8	13039,4	51,9	15618,2	51,7
Ресурс солиқлари	2746,4	3755,5	14,9	4521,4	14,9
Бошқа даромадлар	1483,5	1456,9	5,8	2230,4	7,3

Давлат бюджети харажатлари- бу давлат ўз функциялари ва вазифаларини бажариш учун бюджетдан йўналтириладиган пул маблағлари оқимларидир.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамияти юқори даражада бўлиб, даромадларнинг асосий функцияси бюджет харажатларини молиявий таъминлаш, унинг моддий асосини шакллантириш ҳисобланади.

Давлат бюджети харажатларининг асосий функцияси, устувор вазифаси эса давлатнинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислоҳотларни самарали реализация қилишни молиявий таъминлаш ҳисобланади.

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатлари тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар	2013 йил		2014 йил	
	млрд. сўм	%да	млрд. сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	26312	100	31582,3	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	15573	59,2	18783,4	59,4
Иқтисодиётга харажатлар	2791	10,6	3385,3	10,7
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1300	4,9	1500	4,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	825	3,1	1000,8	3,1
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	287	1,1	343,7	1,0
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	85	0,3	91,0	0,2
Бошқа харажатлар	5448	20,7	6478,1	20,5

БЮДЖЕТ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

I босқич - 1991-2000 йиллар

Мустақил бюджет тизимини шакллантириш - "ўтиш даври":

- * бюджет даромадлари ва харажатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;
- * бюджет дефицитни камайтириш;
- * кучли ижтимоий сиёсат - Давлат бюджетининг муҳим йўналиши сифатида;
- * бюджетларо муносабатларни шакллантириш;
- * бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш;
- * бюджет таснифларини Ҳалқаро стандартларга маъбуллаштириш ўз ичига олди.
- * Миллий солиқ тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- * Солиқ тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлатириш тизимини шакллантириш;

2-босқич. 2001-2009 йиллар
Иқтисодий эркинлаштириш шарт шaroитларига мувофиқ давлат
молиясини ислох қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш

"Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунни амалга киритилиши;
Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш;
Давлат бюджетини ижросини Ғазна тизими жорий қилиш ва
уни ривожлантириш;
Ҳудудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар
молиявий имкониятларини барқарорлаштириш;
Бюджет муассасаларини молиялаштиришни ислох қилиш;
Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларда маҳаллий ўз-
ўзини бошқариш органларининг масъулиятини ошириш билан
уларнинг молиявий имкониятларини яхшилаш;
Солиқ юкни камайтириш;
Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш;
Солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
Солиқ тизимини соддалаштириш.

2009-ҳ.в. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида
миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш,
миллий иқтисодийнинг иммунитетини оширишга
йўналтирилган бюджет ислохотлари

- *Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашда давлат бюджетини*
ролини юксалтириш;
- *Иқтисодийнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни янгилаш ва*
инновацион технологияларни кенг жорий этишга бюджет ва бюджетдан
ташқари фондлар ҳисобига инвестицияларини жалб қилиш;
- *Бюджет дефицитини самарали бошқариш;*
- *Ғазначилик тизимини босқичма-босқич ривожлантириш;*
- *Бюджет қонунчилигини мустаҳкамлаш;*
- *дотация режимдаги бюджетларни тугатиш ва маҳаллий*
бюджетлар барқарорлигини таъминлаш;
- *Хорижий инвестицияларни жалб қилишни бюджет-солиқ механизми*
воситасида рағбатлантириш.

Замонавий шароитларда бюджет тизимидаги ислохотлар

- *бюджет дефицитини самарали бошқариш*
- *Ғазначилик тизимини босқичма-босқич ривожлантириш*
ишларини давом эттириш;
- *ўрта мудатли фискал сиёсат амалиётини жорий қилиш;*
- *натигага йўналтирилган бюджет моделини жорий*
этиш;
- *маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш орқали*
улардаги субвенциялар даражасини пасайтириш в.ҳ.;

2-МАВЗУ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАР ВА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАГИ АҲАМИЯТИ

Маърузачи: и.ф.н., доц. Х.А. Қурбанов

Тошкент 2015

Режа

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар: мақсади ва вазифалари
2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида
3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва харажатларининг йўналишлари

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар: мақсади ва вазифалари

Давлат мақсадли жамғармалари - давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлар: мақсади ва вазибалари

Давлат мақсадли жамғармалари - давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР:

1)бу бюджетдан алоҳида ташкил этиладиган, мақсадли характерга эга бўлган, умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган мустақил молия муассасаларининг тизими;


2) давлат томонидан баъзи ижтимоий эҳтиёжлар учун мустақил равишда комплекс сарфланадиган жалб этилаётган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва ишлатиш шакли.

Ҳозирги шароитларда давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг Долзарблиги сақланиб қолмоқда, айниқса ўтиш даври иқтисодиётга эга мамлакатларда ва иқтисодий тангликлар даврида, чунки:



- бу жамғармалар бюджет билан биргаликда давлатнинг иқтисодиётга аралашувиға имкон беради ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлайди;
- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсадли характери ва мақсади уларнинг маблағларидан самарали фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишни енгиллаштиради;
- маълум бир ҳолларда (фаол сальдо мавжудлиги) жамғармаларнинг маблағлари бюджет тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиниши мумкин.

БТФларни вужудга келишининг объектив шарт-шароитлари

1. Давлат функциялари ва вазифаларининг мураккаблашуви ва натижада уларни молиялаштиришнинг мураккаблашуви.
2. Давлат функцияларини молиялаштириш тизими самарадорлиги.
3. Давлат функция ва вазифаларини молиялаштиришнинг адекват назорат тизимини шакллантириш



2. Бюджетдан ташқари фондлар жамланган бюджет бўғини сифатида.



2013-2014 йиллар жамланма бюджет параметрлари

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2013 йил	2014 йил
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	25104,9	30160,8
Мақсадли жамғармалар даромадлари	13571,9	16720,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	227,5	272,1
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	2618,5	2335,9


Давлат инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган инвестициялар

№	Модуляштириш манбаларининг номи	2013 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал ҳўбишлар, шундан:	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	6 691366
1.1.	Бюджет манбалари	1 300 000
1.2.	Сўғорилган ерларнинг мелiorатив ҳўлатини яхшилаш жамғармаси	131000
1.3.	Бюджетдан ташқари фондлар, шундан:	1 876 750
	- Республика йўл жамғармаси	921572
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	218248
	- Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	623 500*
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	113 435*
1.4.	Ташлаш ва тарқатиш жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остидаги қўриқилган инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 750783
	Панжақ ноёбларда уй-ноёбларни қўриш (сўм эквивалентида)	259560**
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	20 431910
2.1.	Қўриқов манбалари	8 150655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қўриқов манбалари, шу жумладан АТБ "Панжақ қўриқов банк" тўғрисидаги қўриқов ноёбларда уй-ноёбларни қўриш учун айтилган кредитлари	3 236108
		426300
2.3.	Тўғридан-тўғри қўриқилган инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563159
2.4.	Аҳоли манбалари	4 481988

3. Бюджетдан ташқари фондлар даромадлари ва харажатларининг йўналишлари.




Пенсия, Касаба уюшмаси, баднликка қўмақлашув жамғармаларга ажратмаларнинг 2013 йилга ҳўлати



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарманинг Кузатув кенгашидир.



Ўзбекистон Республикасида Пенсия жамғармасининг 2011-2012 йиллар даромадлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобда) ¹¹¹

Даромад тури	2011 й.		2012 й.	
	Мпрд. сўм	%	Мпрд. сўм	%
Жами даромад	6144,4		8065,4	
Йил бошига даромад	0,5		280,1	
Даромад	6143,9	100	7785,3	100
Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар	3903,4	63,9	4799,2	61,6
Фуқароларнинг мажбурий суғурта ажратмалари	720,4	11,7	1110,2	14,2
Товарлар реализацияси ҳажмидан ажратмалар	1122,7	18,2	1401,5	17,9
Бошқа даромадлар	397,4	6,4	474,4	6,0


Ўзбекистон Республикасида Пенсия жамғармасининг 2011-2012 йиллар харажатлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобида) ^[1]

Харажат тури	2011 й.		2012 й.	
	Милд. сўм.	%	Милд. сўм.	%
Жами харажат	6144,4	100	8065,4	100
Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар	5862,7	95,1	7246,0	89,8
Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар	278,9	4,5	290	3,5
Дафн маъросимлари учун нафақалар ва бошқа тўловлар	0,7	0,1	12,8	0,2
Бошқа харажатлар	1,6	0,3	1,8	0,002
Йил охирига қолдик			513,9	6,3

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси мажбурий тўловлардан ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди, кейинчалик улардан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини (лойиҳаларини) ҳамда уларнинг лозим даражадаги техник ҳолати ва ўтказиш қобилиятига эришишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарма кенгашидир.



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Республика йўл жамғармасининг даромадлари

№	Кўрсаткичлар	2012 й.		2014 й.	
		Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
	Жами даромадлар	1572,1		2522,6	
1.	Йил бошига даромад	134,2		54,0	
2.	Даромад	1437,9	100	2468,6	100
2.1.	Товарлар реализациясидан мажбурий ажратмалар	1090,5	75,9	1426,4	57,7
2.2.	Авотранспорт воситаларини сотиб олиш, вақтинчалик олиб кириш бўйича йилим(ИИВ органларида регистрация жараёнида)	90,0	6,2	234,1	9,4
2.3.	Автомобил воситаларини ЎЗР ҳудуд орқали олиб ўтиш ва транзит учун йилим	13,4	0,9	53,9	2,1
2.4.	Халқаро молиявий институтлар заёмлари	241,8	16,7	743,4	30,1
	Бошқа тушумлар	2,2	0,1	10,8	0,4

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг
харажатлари

№	Кўрсаткичлар	2012 й.	2014 й.
		Млрд. сўм	Млрд. сўм
	Жами харажатлар	1572,1	2522,6
1.	Ушбу йил фойдаланиладиган автомобил йўлларини лойиҳалаштириш	14,0	12,0
2.	Ушбу йил фойдаланиладиган автомобил йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкцияси қилиш	724,9	1471,4
	Шундан, халқаро молиявий институтлар ҳисобига	205,9	743,4
3.	Ушбу йил фойдаланиладиган автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш харажатлари	325,4	671,9
4.	Республика йўл фонди бошқарув аппарати сақлаш харажатлари	3,1	4,6
5.	ДАК "Ўзгасўйиш" марказий бошқарув аппарати сақлаш харажатлари	1,0	1,5
6.	ДАК "Ўзгасўйиш" ҳудудий йўл эксплуатация ташкилотлари бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари	5,9	8,3
7.	ПП-499 соғити Президент Қарорига мувофиқ фавақулда офатларни тугатиш харажатлари	73,0	62,0
8.	Ушбу йил фойдаланиладиган йўлларни қуриш, таъмирлаш ва сақлаш харажатлари битим битим, бўлмаган харажатлар	26,8	162,6
9.	Бошқарув постларида ДБК ва унга қизилат қўрагувчи банклар битим ҳақдорларида йиллар ва назорат қилмоға тушувларини йилги бўйича харажатлар	0,9	1,0
10.	Бошқа харажатлар	62,1	41,4






Ўзбекистон Республикасида Бандликка кўмаклашиш фонди даромадлари таркибининг ўзгариши (% ҳисобида) ^[1]

№	Даромад манбалари	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
		Млн. сўм	%	Млн. сўм	%	Млн. сўм	%
1	Жами даромадлар	24733,4	100	25970,0	100	27268,4	100
2	Корхона ва ташкилотлар иш ҳақи фондидан ажратмалар	19588,8	79,2	20568,2	79,2	21596,6	79,2
3	Пеня ва жарималар	123,7	0,5	129,8	0,5	136,3	0,5
4	Ихтиёрий бадаллар	9,9	0,04	10,4	0,04	10,9	0,04
5	Кредит линиялардан фоизлар	3512,1	14,2	3687,7	14,2	3872,1	14,2
6	Бошқа даромадлар	1508,7	6,1	1584,1	6,1	1663,4	6,1

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш фондининг харажатлари таркибини ўзгариши (% ҳисобида)

Харажат тури	2009	2010	2011
Ҳаммаси бўлиб йилига	100	100	100
<i>ижтумладан:</i>			
Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш	7	5,2	5,4
Меҳнат органларини таъминлаш	19,8	19,9	20,6
Иш ўринларини яратиш ва сақлаб туриш	70,3	60,9	52,5
Бошқа харажатлар	2,9	14	21,5

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси



Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг 2013 йилга даромадлари ва харажатлари

	Жами даромад	918,6	100
1.	2013 йил бошига кўтиляётган фолдик	27,2	2,9
2.	Фондга мажбурий ажратмалар	569,9	61,9
3.	Давлат бюджетининг марказлаштирилган инвестициялар харажатлари тарихида солиқни сақлаш тизими учун ажратилган маблағлари	311,5	33,8
4.	ҚўР, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ажратилган маблағлар(маҳаллий солиқлар ҳисобига)	10,0	1,0
	Жами даромадлар	918,6	100
1.	Қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш	747,5	81,3
1.1.	Шу жумладан, Умумтаълим мактаблари	277,7	
1.2.	Коллежлар ва академик лицейлар	158,3	
1.3.	Солиқни сақлаш	311,5	
2.	Болалар музичий ва санъат мактабларини инструментлари, инвентарлар билан таъминлаш	30,1	3,2
3.	Болалар музичий ва санъат мактабларини реконструкция қилиш ва қуриш (ЎзР ХТМ ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси орқали)	117,4	12,7
4.	Болалар спорт объектларини нормативлар бўйича янгилаш (ЎзР ХТМ ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси орқали)	15,0	1,6
5.	2013 йил охирига маблағлар қолдиғи	8,6	0,9

Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг 2013 йилги даромад ва харажатлари

№	Кўрсаткичлар	Млрд. сўм	%да
	Жами даромадлар	227,5	100
1.	Ягона ер солиғидан тушум	141,7	62,1
2.	Мақсадли бюджет ассигнованиялари	74,8	32,5
3.	“Ўзмелиомашлизинг” компаниясига ажратилган заём маблағларини қайтариш ҳисобига тушум	11,0	4,8
	Жами харажатлар	227,5	100
1.	Мелиоратив тизимни қуриш ва қайта тиклаш ишлари бўйича харажатлар	199,9	87,8
	Шу жумладан		
1.1.	Қурилиш ва реконструкция	104,9	
	Шу жумладан, лойиҳалар, қидирув ишларини ҳужжатлаштириш	5,5	
1.2.	Таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари	95,0	
	Шу жумладан, лойиҳалар, қидирув ишларини ҳужжатлаштириш		
2.	Мелиоратив техник паркларни янгилаш	26,1	11,4
3.	ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш департаментини сақлаш харажатлари	1,5	0,6

Ўзбекистон Республикасида Касаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши харажатлари тарихи (% ҳисобида)¹¹

Харажат тури	2009	2010	2011
Ҳаммаси бўлиб йилга	100	100	100
шужумладан:			
Санатория-курортларда даволаниш	41,2	49,4	45,7
Санатория профилакторияларни таъминлаш	7,8	8,4	8,3
Болалар ва соғомлаштириш лагерларини таъминлаш	19	18,7	22,3
Капитал қуйилмалар	17,8	17,8	16,8
Бошқа харажатлар	14,2	5,7	6,9



“Тиланиши ва тараққиёт
жамғуурлиги”нинг асосий вазифалари:

- Давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғуурли ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тўқилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;
- Иқтисодийни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тарзйбий жиҳатдан ўзгартiriш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган роғат муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;
- Стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодийнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини қредитлаш;
- Ёзилги-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳамакларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;
- Биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли илмий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;
- Республиканинг халқаро қоммуникациялар тармоғига интеграциялашувчи учун шарт-шароитлар яратилган, халқаро транспорт йўлақлари ва жаҳон бозорларига энг зисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телеқоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;
- Халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг қредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВАУЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**3-мавзу. Давлат молияси тизимида давлат кредити ва
давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш**

Маърузачи: и.ф.н., доц. Х.А. Қурбонов

Тошкент 2015

РЕЖА

1. Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши
2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари
3. Давлат қарзларини бошқариш усуллари
4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари

1. Давлат кредитининг мазмуни ва таснифланиши

Ички кредит
муносабатлари

ДАВЛАТ
КРЕДИТИ

Ташқи кредит
муносабатлари

Бюджетлараро кредит муносабатлари

Давлатлараро кредит муносабатлари

Резидент корхоналари ўртасидаги кредит
муносабатлари

Норезидент юридик шахслар билан кредит
муносабатлари

Давлатнинг ижро этувчи ҳокимият
органларига бериладиган кредитлар

Халқаро молия кредит ташкилотлари

Давлат кредити ва банк кредитининг асосий фарқли жиҳатлари.

	Давлат кредити	Банк кредити
Кредит муносабатларида иштирок этувчи субъектлар	Давлат, тижорат банклари, аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар	Тижорат банклари, хўжалик юритувчи субъектлари, аҳоли
Кредитдан фойдаланиш мақсадлари	Бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун фойдаланилиши, унда сисий устуртмалар ва жамиятнинг молиявий муносабатларини бир қисмини акс эттирувчи бюджет маблағлари ҳаракати билан белгиланади	Ишлаб чиқариш фондларини доиравий айланишида ва моддий бойликлар яратилиши иштирок қилади
Кредит асосий бўйича	Фоизининг манбалари	Бюджетнинг даромадлари ва маблағлари
		Хўжалик субъектларининг фойдаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ КОДЕКСИ (22 БОБ, 151 МОДДА)

Давлат бюджети тақчиллиги:

- Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағларининг молия йили бошидаги қолдиқлари;
- давлат томонидан маблағ жалб қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитларини Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбаси сифатида жалб қилишга йўл қўйилмайди.
Давлат бюджетининг даромадлари унинг харажатларидан ортиши Давлат бюджети профицитидир.
Давлат бюджети профицити фақат Давлат бюджети бўйича аниқланади.

Давлат қарзи ва унинг шакллари

Давлат қарзи – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари;

Давлат ички қарзлари-давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

Давлат ташқи қарзи-давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;

Давлат томонидан маблағ жалб қилиш

- * Давлат томонидан маблағ жалб қилиш – активларни жалб этиш, бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи-резидентларнинг кредитларини (қарзларини) тўлашига *кафил сифатидаги* мажбуриятлари юзага келиши;
- * Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш- активларни ички манбалардан (резидент-юрidik ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг *қарз олувчи сифатидаги* ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига *кафил сифатидаги* мажбуриятлари вужудга келиши;
- * Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш- активларни хориқ манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юрidik шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг *қарз олувчи сифатидаги* ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига *кафил сифатидаги* мажбуриятлари юзага келиши;

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш:

- 1) иқтисодийни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш;
- 2) Давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни туғрилаш;
- 4) бюджет тақчиллигини молиялаштириш;
- 3) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш;
- 5) табиий офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг куйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

- 1) киска муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узок муддатли (беш йилдан ортик даврга чиқариладиган) давлат қийматли қоғозлари;
- 2) кредитлар (киска муддатли, ўртача муддатли ва узок муддатли);
- 3) Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари;
- 4) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун киска муддатли ссудалар;
- 5) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлар.

2. Давлатнинг облигацион заёмлари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан давлат қимматли қоғозларини чиқаради. Давлат қимматли қоғозларини чиқариш ва уларнинг чекланган ҳажми тўғрисидаги қарор белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эмиссия қилинган давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришда;
- давлат қимматли қоғозлари бўйича қийматни, фоизларни ва бошқа тўловларни тўлашда;
- давлат қимматли қоғозлари бўйича бошқа операцияларни амалга оширишда - фискал агент сифатида иштирок этиши мумкин.

Давлат қимматли қоғозларини чиқаришдан олинган тушумлар Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбаидир.

Давлат облигациялари

Давлат - қарздор, аҳоли ёки корхона ва ташкилотлар - кредитор

- Давлат бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида эмиссия қилинади.
- Иқтисодиётдаги пул массасини мувофиқлаштириш инструменти
- Мамлакатнинг мол-мулки билан кафолатланган – инвестиция активларининг энг ишончли тури ҳисобланади. Хатар даражаси паст бўлганиги сабабли улар бўйича тўланадиган фоиз ставкалари ҳам паст бўлади.

Мамлакатимизда 4 турдаги давлат облигациялари мавжуд:

1. Давлат кясқа муддатли облигациялар (ДҚМО)
2. Давлат ўрта муддатли қарз мажбуриятлари (ДЎМҚМ)
3. Узоқ муддатли облигацион заёмлар
4. Марказий банк облигациялари (МБО)

Давлат ўрта муддатли қарз мажбуриятлари:

- * муомалада бўлиш вақти - 1 йилдан 5 йилгача
- * номинал киймати - 1000 сум
- * нақдсиз кўринишда
- * даромад: катъий белгиланган (купон шаклида) ва ўзгарувчан фоиз ҳисобида.
- * қатъий белгиланган даромад келтирувчи облигациялар бўйича купонлар бир хил равишда маълум даврларда тўланиб борилади.
- * ўзгарувчан даромад келтирувчи облигацияларнинг даромадлигини белгилаш тартиби Молия вазирлиги томонидан белгиланади.
- * жойлаштириш жойи - Республика валюта биржасининг фонд бўлими
- * сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар
- * расмий дилерлар ўзи номидан ёки буюртмачи (корхона ва ташкилотлар) номидан облигацияларни сотиб олади.
- * даромадлар солиққа тортилмайди

Расмий дилерлар сармоядорлар ёки ўзи учун буюртма асосида ДҚМО ва ДЎМҚМ ни аукционда (бирламчи бозор) ёки иккиламчи бозорда сотиб оладилар. Молия вазирлиги томонидан тўланган фоизлар ва к.к.ларни номинал кийматини дилерлар сармоядорларнинг ҳисоб - рақамларига утказадилар.

3. Давлат қарзларини бошқариш усуллари.

Халқаро тасниф асосида қабул қилинган экспертларнинг баҳолашлари куйидагича бўлиши мумкин:

1. Мамлакат **катта қарзга эга**, агар:

- * • хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси ЯММнинг 80 фоиздан ошиб кетса;
- * • хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси экспортнинг 220 фоиздан ошиб кетса.

2. Мамлакат **ўртача қарзга эга**, агар:

- * • хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси ЯММнинг 48-80% доирасида бўлса;
- * • хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси экспортнинг 132-220% доирасида бўлса.

БАРРО-РИКАРДО ГИПОТЕЗАСИ

Р. Барронининг ғояси шундан иборатки, агар давлат бугун тақчилликни молиялаштириш учун облигаци чиқарадиган бўлса, масалан, солиқ юкини тушириш ҳисобига хосил бўладиган тақчилликни молиялаштириш учун, унда хосил бўлган қарзни молиялаштириш учун келажакда солиқларни кўтариши мумкин. Истеъмолчи, буни тушунган ҳолда истеъмолни кўпайтирмайди.

Демак, давлат жамғармасинининг камайиши, ўз навбатида хусусий жамғармаларнинг кўпайиши билан компенсация қилинади. Жорий истеъмол ва миллий жамғариш ўзгармас бўлиб қолади.

Кейинги босқичда давлат бюджет тақчиллигини қоплаш учун солиқларни кўпайтиради ва гДВ хажмидаги тақчилликни қоплайди.

$$T_2 = G_2 + (G_1 - T_1)(1+r)$$

Бу ерда,
 T_2 - кейинги даврдаги солиқ тушумлари;
 G_2 - кейинги даврдаги давлат бюджети харажатлари

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат қарзларини бошқариш муаммолари.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатишмоқда.

Утган давр мобайнида аҳолини аҳиллиги мақсадида қўриқилган барча чара-тадбирларга қарамастан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатишмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги баёнот қилинмоқда.

Қўшма тарафқар топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдидан айтиб бўлмайди ва турли ҳоф-затарлар сақлаиб қолётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Ислам Каримов, «2012 йил ватанамиз тинчлик ва тараққиётнинг янги боғичига қўйилмоқда» йил бўлиши асаридан

“Савқатчи” ва “Йиғирмачи” деб аталган мамлакатлар туруқларини доirasида қабул қилинган қарорларга қарамастан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқариётган муаммоларни ҳал қилиш ва керакли назорат ўрнатил бўлишга ағона иқтисодий модель қанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Шунинг тил олинн керакли, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзга келаяётган муаммолар, асосан, қўшмача пул босиб чиқариш ва валюта бозорини шундай пуллар билан қўлларини қисқидан ҳал қилишни қўлга ташлашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусола жиллоялаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни изоматчиликка, захира ва қилиш валюталарини кадронизацияга ва шу билан боғлиқ, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ислам Каримов, «2012 йил ватанамиз тинчлик ва тараққиётнинг янги боғичига қўйилмоқда» йил бўлиши асаридан